

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

9-сон
(1185)
2025 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

70. «Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 24 февралдаги ЎРҚ–1036-сон Қонуни
71. «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ–1037-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

72. «Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги ПФ–27-сон Фармони
73. «Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси фаолиятини

ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги ПҚ–75-сон қарори

Бешинчи бўлим

74. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг 2025 йил 7 январдаги 1-Н-сон “Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини (ЎЗР АҚ-61) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3609*)
75. O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2025-yil 12-fevraldagi 562-son “Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2196-6*)
76. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining 2025-yil 26-fevraldagi 1-son hamda Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 25-fevraldagi 5-q/q-son “Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o‘qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 28-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3346-1*)
77. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 19 февралдаги 15-сон “Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3610*)
78. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 28-yanvardagi 344-B-9-son va O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2025-yil 20-yanvardagi 3-son “Nobank kredit tashkilotlarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo‘yicha ichki nazorat qoidalariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 28-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2925-9*)
79. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2025-yil 19-fevraldagi 2-son “Temir yo‘l kesishmalaridan foydalanish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi*

toʻmonidan 2025-yil 28-fevralda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3363-2)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ****70****Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш
ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 24 январда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчилик

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атроф-муҳит компонентлари — табиий муҳитда яшаш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда атмосфера ҳавоси;

атроф-муҳитга таъсир — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳит ва экологик хавфсизлик учун, шу жумладан инсон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 февралда эълон қилинган.

соғлиғи, атроф-муҳит компонентлари учун ҳар қандай оқибатлари ҳамда ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек ушбу омиллардаги ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга ва маданий мерос объектларига таъсири;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири хусусиятларини ва даражасини, унинг эҳтимолий экологик оқибатларини аниқлашга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тартиб-таомил;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича тайёрланадиган ва экологик экспертиза ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи (бундан буён матнда лойиҳани ишлаб чиқувчи деб юритилади) — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни ташкил этиш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини, шунингдек амалга оширилаётган хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга оид экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни амалга оширувчи юридик шахс;

бююртмачи (ташаббускор) — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни ташкил этиш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини, шунингдек амалга оширилаётган хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга оид экологик нормативлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш учун тақдим этадиган юридик ёки жисмоний шахс;

жамоатчилик эшитуви — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишга тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган жамоатчилик йиғилиши;

махсус ҳуқуқий режимга эга объектлар — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитларини тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий нормалар қўлланиладиган экологик экспертиза объектлари;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият — атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда экологик экспертиза объекти ҳисобланадиган ҳар қандай фаолият;

стратегик режалаштириш ҳужжатлари — давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий

соҳалар тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари, шунингдек бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларга оид ҳужжатлар;

стратегик экологик баҳолаш — стратегик режалаштириш ҳужжатлари асосида мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири хусусиятлари ва даражасини, эҳтимолий экологик оқибатларини аниқлашга, шунингдек баҳолаш натижалари бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тартиб-таомил;

экологик нормативлар — атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳамда ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш нормативларини белгилаш учун экологик экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатлар;

экологик экспертиза — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилашга ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлашга қаратилган тартиб-таомил.

4-модда. Экологик экспертизанинг, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг ва стратегик экологик баҳолашнинг мақсадлари

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш қўйидаги мақсадларда ўтказилади:

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳит ҳолатига ҳамда инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки салбий таъсир кўрсатаётган экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга ва инсон соғлиғига салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда уни камайитириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган чора-тадбирларнинг етарлилигини ҳамда асослилигини аниқлаш.

5-модда. Экологик экспертизанинг, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг ва стратегик экологик баҳолашнинг асосий принциплари

Экологик экспертизанинг, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг ва

стратегик экологик баҳолашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

холислик;

асослилик;

ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг ҳаққонийлиги;

жамоатчилик иштироки;

очиқлик ва ошкоралик;

экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;

ҳар қандай мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг кутилаётган экологик хавфлилик презумпцияси;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга ва инсон соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслиги.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

давлат экологик экспертизасини ташкил этади ва ўтказади;

экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

экологик экспертизанинг ягона тизимини ташкил қилувчи ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари фаолиятини ташкил этади;

экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

давлат экологик экспертизаси бўйича экспертлар кенгаши таркибини ҳамда унинг низомини тасдиқлайди;

давлат экологик экспертизасининг ҳулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши мониторингини олиб боради;

экологик экспертизанинг ижобий ҳулосасига эга бўлмаган объектларга нисбатан молиялаштириш, кредитлаш операцияларини ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиб туриш (тугатиш) тўғрисидаги тақдимномаларни банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига юборади;

экологик экспертиза ҳулосаларининг бажарилиши устидан экологик назоратни амалга оширади;

бошқа давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Экологик экспертизанинг турлари

Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси тарзида амалга оширилади.

8-модда. Экологик экспертиза объектлари

Экологик экспертиза объектлари қуйидагилардан иборат:
барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини танлаш ва (ёки) ажратиш материаллари;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табiiй ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатлар, шу жумладан техник регламентлар ва шартларнинг, стандартларнинг, қоидалар ҳамда йўриқномаларнинг лойиҳалари;

чиқиндиларни зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун янги турдаги технологияларни ҳамда техника воситаларини, материаллар, буюмларни, биологик, кимёвий моддаларни ва воситаларни яратиш бўйича ҳужжатлар;

атроф-муҳитнинг ҳолатига ва инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ҳамда бошқа объектлар;

махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган объектлар.

Экологик экспертиза объектлари атроф-муҳитга таъсири бўйича уч тоифага бўлинади ва уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2-боб. Давлат экологик экспертизаси

9-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш

Давлат экологик экспертизаси мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ва давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилади.

Буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши мумкин. Бу ҳолда экологик экспертиза тугалланган кундан эътиборан бир ой ичида унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади.

Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши тўғрисида эълон бериши ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт бўлган давлат экологик экспертизаси объектларининг рўйхати қонунчиликда белгиланади.

10-модда. Эколог-экспертнинг мустақиллиги

Буюртмачининг (ташаббускорнинг) ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг эколог-эксперт фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

11-модда. Давлат экологик экспертизаси ўтказилишининг мажбурийлиги

Ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган экологик экспертиза объектлари давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

12-модда. Давлат экологик экспертизасини молиялаштириш

Давлат экологик экспертизасини молиялаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда буюртмачининг (ташаббускорнинг) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиладиган материаллар

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун буюртмачи (ташаббускор) томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича — атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёот лойиҳасини, экологик оқибатлар тўғрисидаги баёотни, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёотни ўз ичига оладиган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари;

ишлаб турган объектлар бўйича — экологик нормативларнинг лойиҳалари, объектнинг атроф-муҳитга ва инсон соғлиғига таъсир кўрсатиш ҳолати аниқланган тақдирда, атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисида тайёрланган баёот. Бунда буюртмачи (ташаббускор) қўшимча равишда экологик аудит материалларини тақдим этишга ҳақли;

ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган объектлар бўйича — ишлаб чиқилган барча ҳужжатлар.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёот лойиҳаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаштириш бошланғунига қадар тақдим этилади.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёот давлат экологик экспертизаси объектининг техник-иқтисодий асослари тасдиқланғунига қадар тақдим этилади.

Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёот объект қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олинғунига қадар тақдим этилади.

14-модда. Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этиш

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳани ишлаб чиқувчилар томонидан ўтказилади.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти орқали электрон ҳужжат шаклида тақдим этилади, бундан махсус ҳуқуқий режимга эга объектлар мустасно.

Махсус ҳуқуқий режимга эга объектларнинг давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ҳамда экологик нормативлар лойиҳалари қоғоз шаклида тақдим этилади.

15-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати йигирма беш иш кунидан ошмаслиги керак. Давлат экологик экспертизаси объектининг мураккаблигига қараб, уни ўтказиш муддати махсус ваколатли давлат органи томонидан кўпи билан уч ой муддатга узайтирилиши мумкин.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати давлат экологик экспертизасининг қиймати тўлиқ тўлангандан кейинги иш кунидан эътиборан ҳисобланади.

16-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш чоғида қўйиладиган талаблар

Давлат экологик экспертизасини ўтказишда қўйидагилар амалга оширилади:

тақдим этилган материалларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини текшириш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини таҳлил қилиш;

биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асослилигини текшириш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш оқибатлари билан боғлиқ экологик хавфлилик даражасини баҳолашнинг тўғрилигини текшириш;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг етарлилигини ва асослилигини аниқлаш;

экологик нормативлар лойиҳаларининг асослилигини текшириш.

3-боб. Давлат экологик экспертизасининг субъектлари**17-модда. Буюртмачи (ташаббускор)**

Буюртмачи (ташаббускор) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органидан маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш;

давлат экологик экспертизасининг объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосасига асосан материалларни маромига етказиш ва такрорий давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиш;

аккредитация қилинган лабораторияларни жалб этган ҳолда, ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиш, оқизилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш манбаларидан намуналар олиш ҳамда лаборатория таҳлилларини ўтказиш;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативлар лойиҳалари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш, шунингдек давлат экологик экспертизасининг ўтказилиш жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш.

Буюртмачи (ташаббускор):

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ҳамда уларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этиши;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириши;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш учун зарур бўлган тадқиқотларнинг молиялаштирилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилгунига қадар мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият бўйича жамоатчилик эшитувларини ўтказиши;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларида давлат экологик экспертизаси объекти фаолияти натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газларининг микдорини ҳамда углерод нейтраллигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларни иноватга олиши;

стратегик режалаштириш ҳужжатида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариши шарт.

Буюртмачи (ташаббускор) қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Лойиҳани ишлаб чиқувчи

Лойиҳани ишлаб чиқувчи штатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида камида уч йил ишлаган, тегишли малака сертификати мавжуд бўлган камида икки нафар ходимга эга бўлиши керак.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик норма-

тивлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, шунингдек экологик экспертиза объектлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир малака сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларининг ва экологик нормативлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларнинг рейтингини юритади.

Лойиҳани ишлаб чиқувчи атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича материалларнинг ва экологик нормативлар лойиҳаларининг тўғрилиги, ишончлилиги ҳамда асослилиги учун буюртмачи (ташаббускор) билан солидар жавобгар бўлади.

19-модда. Эколог-эксперт

Олий маълумотга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ёки турдош соҳаларда камида узлуксиз уч йиллик иш стажига эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан аттестациядан ўтказилган ходим эколог-эксперт бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам махсус ваколатли давлат органи томонидан контрактга асосан халқаро эколог-экспертлар сифатида жалб этилиши мумкин, бундан давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ ҳоллар мустасно.

Эколог-эксперт фаолияти қонунчиликка мувофиқ тартибга солинадиган давлат фуқаролик хизматчисидир, бундан халқаро эколог-экспертлар мустасно.

Эколог-эксперт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни олиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган, қонунчилик талабларига жавоб бერмайдиган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини рад этиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган материалларнинг ишончлилигини жойига чиққан ҳолда текшириш.

Эколог-эксперт:

давлат экологик экспертизасини ўтказишда қонунчилик талабларига риоя этиши;

давлат экологик экспертизасининг ўз вақтида, ҳар томонлама, холисона ва сифатли ўтказилишини, шунингдек унинг натижалари бўйича белгиланган тартибда ҳулоса берилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут сақланишини, шунингдек давлат сирларини, ҳарбий, хизмат ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

Эколог-эксперт қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Эколог-эксперт ўз мажбуриятларини буюртмачининг (ташаббускорнинг) ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига моддий зарар ёки маънавий зиён етказган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шунингдек экологик экспертиза тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузганлик учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

4-боб. Давлат экологик экспертизасининг хулосаси

20-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш натижалари

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги яқунларни ўз ичига олган хулоса тузилади.

21-модда. Давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулоса

Давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулоса қуйидаги ҳолларда берилади:

агар буюртмачи (ташаббускор) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига зид бўлса;

агар давлат экологик экспертизасини ўтказиш чоғида буюртмачи (ташаббускор) томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ва (ёки) бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд эканлиги аниқланган бўлса;

агар ўтказилган жамоатчилик эшитувлари натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқаришга нисбатан жамоатчилик эшитувлари иштирокчилари томонидан асослантирилган эътирозлар билдирилган бўлса.

Давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосани ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган асосларга кўра беришга йўл қўйилмайди.

22-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасини бажаришнинг мажбурийлиги

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаштириш ҳамда рўёбга чиқариш чоғида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши, шунингдек рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган

тақдирда, буюртмачи (ташаббускор) хулосадаги мавжуд тақлифларга мувофиқ лойиҳанинг қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятдан ва бошқа фаолиятдан воз кечиши шарт.

23-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати

Давлат экологик экспертизаси объектининг экологик талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги давлат экологик экспертизасининг хулосаси қуйидаги муддатларда юридик кучга эга бўлади:

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари бўйича — хулоса берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида;

экологик нормативлар лойиҳалари бўйича — хулоса берилган кундан эътиборан беш йил мобайнида.

24-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосаси бажарилишини мониторинг қилиш

Давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш белгиланган тартибда буюртмачи (ташаббускор) томонидан таъминланади.

Буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай махсус ваколатли давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

Буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатларда тақдим этмаган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи буюртмачига (ташаббускорга) ёзма кўрсатма беради.

5-боб. Давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш

25-модда. Давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштириш

Буюртмачи (ташаббускор) қайта ташкил этилган, унинг номи ўзгартирилган ёки ваколатлари ёхуд ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтган ҳолларда, буюртмачи (ташаббускор) ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин етти иш куни ичида махсус ваколатли давлат органига тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштиришга доир ариза бериши мумкин.

Давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштирганлик учун тўлов ундирилмайди.

26-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиши суд томонидан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

буюртмачининг (ташаббускорнинг) фаолияти тўхтатиб турилганда;

буюртмачи (ташаббускор) томонидан давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларга риоя этилмаганда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати тугаганда;

буюртмачи (ташаббускор) тугатилганда, шунингдек буюртмачи (ташаббускор) қайта ташкил этилганда, бундан ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиладиган ҳоллар мустасно.

Давлат экологик экспертизаси хулосаси амал қилишининг тўхтатиб турилиши тўғрисидаги суд қарори буюртмачига (ташаббускорга) ва махсус ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган муддатларда юборилади.

6-боб. Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш

27-модда. Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичлари

Экологик нормативлар лойиҳалари қуйидаги икки босқичда ишлаб чиқилади:

атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш;

атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш натижаларига кўра экологик нормативларни белгилаш.

Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фан ва техниканинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги илғор ютуқлари инобатга олинади, чиқиндиларни жойлаштиришни, ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилишини, оқизилишини камайтириш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш назарда тутилади.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга чиқариш, оқизиш манбала-

рининг, чиқиндиларни жойлаштиришнинг дастлабки маълумотларини, кўрсаткичларини экологик нормативларни ишлаб чиқиш учун аниқлаш;

давлат экологик экспертизаси объектида қўлланиладиган ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг, фойдаланиладиган хомашё ва материалларнинг экологик тавсифларини баҳолаш;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси бевосита буюртмачи (ташаббускор) томонидан ёки атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар жалб этилган ҳолда, давлат экологик экспертизаси объектининг хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириши даврида беш йилда бир марта ўтказилади.

28-модда. Экологик нормативлар лойиҳаларини расмийлаштириш

Экологик нормативлар лойиҳалари атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш материалларига асосан ишлаб чиқилади.

Экологик нормативлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги тўғрисидаги хулосасига асосан махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказишга доир ҳужжатлар рўйхати, экологик нормативлар лойиҳаларининг таркиби ва уларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-боб. Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жиҳатдан баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш

29-модда. Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жиҳатдан баҳолаш

Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жиҳатдан баҳолаш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият қўшни давлат ҳудудида атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир қилиши мумкин бўлса;

агар қўшни давлатда мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатаётган бўлса.

Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жиҳатдан баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

30-модда. Стратегик экологик баҳолаш объектлари

Қуйидагилар стратегик экологик баҳолаш объектлари жумласига киради: давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

ҳудудларни кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш ҳамда ҳудудларни фавқулудда экологик вазият ва экологик офат зоналари деб эълон қилиш мақсадида комплекс текшириш материаллари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари юзасидан ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар;

мавжуд стратегик режалаштириш ҳужжатларига киритилаётган, амалга оширилиши атроф-муҳитга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар ёки қўшимчалар.

31-модда. Стратегик экологик баҳолаш мезонлари

Стратегик экологик баҳолаш махсус ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги мезонларга асосан ўтказилади:

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг атроф-муҳитга таъсири билан боғлиқ экологик хавфларни ҳисобга олинишини таъминлаш ва мазкур ҳужжатнинг барқарор ривожланишга кўмаклашиш мақсадларига мувофиқлигини таъминлаш зарурлиги нуктаи назаридан долзарблиги;

барқарор ривожланишга кўмаклашишни таъминлаш мақсадида стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасида аҳоли соғлиғи билан боғлиқ экологик омилларни ҳисобга олиш зарурлиги;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини фаолият турларини, уларнинг жойлашувини, кўламларини, шароитларини ҳамда табиий ресурсларнинг мавжудлигини ва улардан фойдаланиш шартларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконияти;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш жараёнида экологик хавфларнинг, шу жумладан инсон соғлиғига таъсирнинг ҳисобга олиниши;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш нуктаи назаридан долзарблиги;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар билан боғлиқ экологик муаммоларнинг, шу жумладан аҳоли соғлиғи билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган эҳтимол тутилган оқибатларнинг трансчегаравий хусусияти.

Махсус ваколатли давлат органи стратегик режалаштириш ҳужжати

лойиҳасини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мезонларга асосан стратегик экологик баҳолашдан ўтказадиган ҳамада тегишли тавсияларни беради.

32-модда. Стратегик экологик баҳолаш босқичлари

Стратегик экологик баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат:

- ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган мезонларга асосан стратегик экологик баҳолашдан ўтказиш заруриятини аниқлаш;
- стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини стратегик экологик баҳолашда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш;
- стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузанинг (бундан буён матнда экологик маъруза деб юритилади) қамров доирасини белгилаш;
- экологик маърузани тайёрлаш;
- экологик маърузанинг сифатини баҳолаш;
- стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини стратегик экологик баҳолаш доирасида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш;
- стратегик экологик баҳолаш жараёнида стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг трансчегаравий таъсирини баҳолаш;
- стратегик режалаштириш ҳужжатининг атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилиш.

Стратегик экологик баҳолаш ҳар бир стратегик экологик баҳолаш объекти бўйича бир марта ўтказилади.

33-модда. Стратегик экологик баҳолашни ўтказишда жамоатчиликнинг иштирок этиши

Стратегик экологик баҳолашни амалга ошириш учун масъул бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органи стратегик экологик баҳолаш масалалари юзасидан жамоатчилик эшитувлари ўтказилиши тўғрисида ўзининг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари ўз фикрини эркин ифодалаш ва жамоатчилик эшитувига қўйилган стратегик экологик баҳолаш масалалари бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

34-модда. Экологик маърузанинг қамров доирасини белгилаш

Экологик маърузанинг қамров доирасини белгилашда стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг тавсифи ва мазмунидан келиб чиқиб, экологик маърузага киритиладиган ахборотнинг ҳажми, тўлиқлилиги ва батафсиллиги даражаси аниқланади.

Экологик маърузанинг қамров доираси қуйидаги мақсадларда белгиланади:

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган, асослантирилган ва амалда қўлланиладиган муқобил ечимларни белги-

лаш, шу жумладан атроф-муҳитга ва (ёки) инсон соғлиғига таъсирни камайтириш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси, шунингдек унга киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар тўғрисида, шунингдек уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудларга ҳамда қонунчиликка ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига мувофиқ муҳофаза этилиши лозим бўлган маҳаллий, давлат аҳамиятига ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳудудларга ва объектларга жиддий салбий таъсирини аниқлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга оширишда атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир эҳтимолини аниқлаш;

инсон соғлиғини ва қулай атроф-муҳитни таъминлаш учун стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадларни, шу жумладан халқаро ва миллий даражада белгиланган мақсадларни аниқлаш.

35-модда. Экологик маърузани тайёрлаш ва баҳолаш

Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш учун масъул бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органи экологик маърузани тайёрлайди ва унинг сифатини баҳолаш учун махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари экологик маърузани тайёрлаш учун маҳаллий ҳамда хорижий малакали мутахассислар ва экспертларни қонунчиликда белгиланган тартибда жалб этиши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилишнинг барча босқичларида фуқароларнинг объектив экологик ахборотни ўз вақтида олишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилинишида жамоатчиликнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради.

Стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

36-модда. Стратегик экологик баҳолаш масалалари юзасидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш

Махсус ваколатли давлат органи стратегик экологик баҳолаш масалалари юзасидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишга ҳақли.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият органлари махсус ваколатли давлат органи томонидан сўралган, стратегик экологик баҳолаш доирасида тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши шарт.

8-боб. Жамоат экологик экспертизаси

37-модда. Жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш

Жамоат экологик экспертизаси экологик жиҳатдан асослантириш талаб этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга монелик қилиш тақиқланади.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсиявий хусусиятга эга бўлади.

Жамоат экологик экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

38-модда. Жамоат экологик экспертизасини молиялаштириш

Жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш жамоат экологик экспертизасини ташкил этувчи ва (ёки) ўтказувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

9-боб. Атроф-муҳитга таъсирни баҳолашда жамоатчиликнинг иштирок этиши

39-модда. Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш

Жамоатчилик эшитувлари мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга эҳтимол тутилган таъсири масалаларини аҳоли ва жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилади.

40-модда. Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш тартиби

Жамоатчилик эшитувлари давлат экологик экспертизаси ўтказилгунига қадар ташкил этилади.

Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш учун махсус ваколатли давлат органи атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича барча материаллар келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида:

муҳокама қилинадиган масала ўз ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини ҳамда атроф-муҳитга ва аҳолига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган

хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳудудни белгилайди;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва буюртмачига (ташаббускорга) атроф-муҳитга таъсирни баҳолашга доир тегишли ахборотни жамоат эшитувлари ташкил этилиши ҳақидаги хабарнома билан бирга юборади.

Жамоатчилик эшитувлари қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

41-модда. Жамоатчилик эшитувларининг натижалари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш

Жамоатчилик эшитувларининг натижалари якуний ҳужжатлар билан бирга махсус ваколатли давлат органининг ва жамоатчилик эшитувлари ўтказилган ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимият органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

42-модда. Низоларни ҳал этиш

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

43-модда. Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

44-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Экологик экспертиза тўғрисида**»ги 73–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 144-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Экологик экспертиза тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 74–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 145-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–278-сонли Қонуни-

нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) **11-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **44-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **115-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–688-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 1-модда) **4-моддаси**.

45-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

46-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

ушбу Қонун 18-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек экологик экспертиза объектлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 35-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 37-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-

ган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

47-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 24 февраль,
ЎРҚ–1036-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

71 **Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
11 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 20 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ушбу Қонуннинг ижросини ташкил этсин ва таъминласин;
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 25 февраль,
ЎРҚ–1037-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг
2025 йил 25 февралдаги
ЎРҚ–1037-сонли Қонунига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон
эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси (бундан буён матнда Концепция деб юритилади) виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқни ва Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат эканлигига оид конституциявий қоидаларни рўёбга чиқариш ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принципларини ва устувор йўналишларини белгилайди.

Концепция давлатчилигимиз ривожининг бой миллий-тарихий тажрибасига ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистонда умумжамиyat манфаатларини рўёбга чиқариш, демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик асосида ўзаро тотувликда яшаш ҳамда изчил тараққий этиш учун зарур барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (бундан буён матнда Конституция деб юритилади) Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги белгиланган.

Конституциянинг 35-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

3. Дунёвий давлатда диний қадриятлар ҳам муҳим ўрин тутати. Диний қадриятлар Ўзбекистон халқининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланишига ҳамда уларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилиб келмоқда.

Диний эътиқодлар ва диний бағрикенглик, динларнинг асл инсонпарварлик моҳияти жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларидан бири бўлиб, Ўзбекистон халқини бирлаштириш ва жипслаштиришга хизмат қилувчи, оилаларда ўзаро ҳурмат-иззат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамловчи асрий қадриятлар манбаидир.

Виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқ дунёвий давлатдагина тўлақонли амалга оширилиши мумкин. Дунёвий давлат диний қадриятларнинг, эътиқодларнинг ҳурмат ва ҳимоя қилиниши, изчил ривожланиши учун зарур ижтимоий муҳит яратати.

4. Концепцияда қўлланилган асосий тушунчалар:

виждон эркинлиги — фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқи;

дунёвийлик — виждон эркинлиги, фикрлаш эркинлиги ҳамда Конституция ва қонунларга мувофиқ инсонпарвар қадриятларга, умумжамият манфаатларига асосланган ахлоқ ва ҳуқ-атвори назарда тутувчи норма ва қарашлар тизими;

дунёвий давлат — ҳар ким учун виждон эркинлиги, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги кафолатланган, давлат ҳокимияти диний-конфессиявий қарашлар ва институтлардан ажратилган ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, қарорлар қабул қилишда ва уларни ижро этишда Конституцияга ва қонунларга, умумжамият манфаатларига асосланган тарзда бошқариладиган давлат;

дунёвий қадриятлар — виждон эркинлигига, қонун устуворлигига, мафкура ва фикрлар хилма-хиллигига, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка асосланган жамиятдаги умуминсоний принциплар, нормалар ва қарашлар мажмуи;

умумжамият манфаатлари — жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун олдида тенглигини таъминлаш, биргаликда тинч-тотув яшаш, моддий-маънавий неъматлардан адолатли тарзда фойдаланиш ҳамда тараққий этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасидаги жамиятнинг онгли эҳтиёжлари йиғиндиси.

2-боб. Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш жараёнининг замонавий ҳолати тавсифи

5. Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини шакллантириш 1990-йилларда бошланди.

1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун турли динларга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар, шунингдек дин ва давлат ўртасида янги муносабатларни шакллантиришга қаратилди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги ўрнатилиши билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларга, шунингдек фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги билан боғлиқ шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга уйғун равишда фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини белгилаб берди.

Шу билан бирга Марказий Осиёда диний таассублар замирида радикал, экстремистик ва террористик гуруҳларнинг қонунга хилоф фаолияти жадаллашиши, шу жумладан уларнинг клерикал давлат тузишга бўлган уринишлари фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқига таҳдидларни юзага келтирди.

Мазкур шароитларда 1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний

ташкilotлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги тахрирда қабул қилинди.

2000-йилларда жаҳон тарихида халқаро террористик ташкilotлар аъзолари фаолиятининг ҳаддан ташқари фаоллашуви кузатилди. Мазкур жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Шунга қарамай, виждон эркинлигига нисбатан таҳдидларни бартараф этишга қаратилган чоралар изчил амалга оширилиб, жамиятда барқарорлик муҳити сақлаб қолинди.

6. 2017 йилдан кейин фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқини бевосита амалга ошириш, конфессиялараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, миллий ва диний кадриятларни қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ва муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, буюк аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича изчил ишлар янгича мазмун ва суръат касб этди.

Хусусан, давлат тарихий, диний, маданий аҳамиятга эга бўлган биноларни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Мамлакат бўйлаб юзлаб масжидлар, черковлар қурилди ва таъмирланди.

Қўллаб маданий мерос объектлари, шу жумладан масжидлар, черковлар бинолари диний ташкilotларга фойдаланиш учун берилган бўлиб, у ерда фуқаролар диний маросимларни эмин-эркин адо этиб келмоқда.

Турли диний конфессиялар вакиллари диний байрамларни эркин ўтказмоқда. Шунингдек зиёрат туризмиди сифатли ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон учун ҳаж квотаси 3 баробар оширилди, умра зиёратига квоталар тўлиқ бекор қилинди. Натижада Саудия Арабистонига қарийб 800 минг мусулмонлар ҳаж ва умра зиёратини амалга ошириш учун борди.

Шунингдек 10 мингдан зиёд насронийлар, яҳудийлар, баҳойлар, кришнавийлар, буддавийлар Россия, Туркия, Италия, Арманистон, Исроил, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Грузия ва Грециядаги диний зиёратгоҳларга ташриф буюришди.

Диний таълим тизимининг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 4 та олий ислом таълим муассасаси, 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасаси, шу жумладан 2 та аёллар мадрасаси, шунингдек православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштириш, диний соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини шакллантириш мақсадида 2018 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Мамлакатда таркиби барча диний конфессиялар раҳбарларидан иборат бўлган Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур Кенгаш турли конфессиялар ўртасида ўзаро мулоқотни ўрнатиш, конфессиялараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг самарали майдони сифатида хизмат қилмоқда.

Ислом цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар меросини илмий-амалий ёндашув асосида ўрганиш, шунингдек диний таассублар билан боғлиқ хавфларнинг мафкуравий асосларини тадқиқ этиш мақса-

дида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш йўналишида сохта диний эътиқодлар таъсири остида тақиқланган ташкилотлар таркибига кириб қолган шахсларнинг ижтимоий мослашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этганлиги учун жазо ўтаётган, ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан тарихда биринчи бор ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан афв этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши йўлга қўйилди.

2019 — 2021 йилларда «Меҳр» инсонпарварлик операциялари доирасида мамлакатимизнинг 531 нафар фуқароси Яқин Шарқдаги ҳарбий-можароли ҳудудлардан Ўзбекистонга қайтарилди.

Диний соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг халқаро миқёсда муносиб эътироф этилиши уларнинг самарадорлигидан далолат бермоқда. Масалан, 2018 йилда Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясини қабул қилди.

Фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини янада мустаҳкам таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотларга мос равишда 2021 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги Қонуни қабул қилинди.

7. Бугунги кунда Ўзбекистон миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик амалда таъминланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида барқарор ривожланиб келмоқда.

Мамлакатда 16 та конфессияга мансуб бўлган 2 300 дан ортиқ диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар вакиллари истиқомат қилмоқда. Давлат томонидан 7 тилда таълим олиш имконияти яратилганлиги, 12 тилда телерадиодастурлар эфирга узатилаётганлиги, 14 тилда газета ва журналлар чоп этилаётганлиги, 155 та миллий маданий марказ эркин фаолият юритаётганлиги миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунаси ҳисобланади.

Шу билан бирга қонунлар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларга муайян бир динга хос қоидаларни жорий этишга бўлган уринишлар, аёллар ва эркеклар ҳуқуқлари тенглигини шубҳа остига қўйиш, фуқаролик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш, ижтимоий ахлоқ нормаларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни инкор этиш, тиббий хизматдан, илм-фан ва маданият ютуқларидан, товарлар ва хизматлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни чеклаш, айрим давлат хизматчиларининг дунёвий давлатчилик моҳиятини теран англамаслиги ҳамда жамият тараққиёти, бирдамлиги ва барқарорлигига путур етказувчи қонунга хилоф ғоялар ва қарашлар тарқалиши ҳоллари учрамоқда.

Қолаверса, ахборот маконининг глобаллашуви натижасида ижтимоий

тармоқлардан эркин фойдаланилиши, ёшларнинг миграция жараёнларига кенг жалб қилиниши шароитларида радикаллашувга сабаб бўлувчи омилларни тўлиқ назорат қилиш имконияти чекланган.

Бундай ҳолатлар ягона Ўзбекистон халқининг, жамият ва давлатнинг ҳамжиҳатлигига хатар бўлиб, қонун ҳужжатларига риоя этилмаслигига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига, фуқароларнинг ҳуқуқий тартиботга муносабати салбий томонга ўзгаришига, ватанпарварлик туйғулари емирилишига, оилавий низоларга олиб келиши мумкин.

Диний соҳадаги давлат сиёсати принципи аниқ белгиланмаганлиги унинг аҳоли ўртасида турлича тушунилишига, дунёвий давлат асосларининг бузиб талқин қилинишига, жамиятда зиддиятли вазиятларнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек илм-фан ва технологик ютуқлар билан ҳисоблашмаслик, уларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамиятига эътиборсизлик, замон билан ҳамқадам бўлмаслик мамлакатнинг глобал рақобат майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидаги долзарб вазифаларни амалга оширишни мураккаблаштиради.

Ҳозирги кунда жамиятимизда барқарорлик таъминлаб келинмоқда, давлат томонидан фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқлари қонун устуворлиги асосида ишончли ҳимоя қилинмоқда.

Давлат органларининг ва фуқаролик жамияти институтларининг турли диний конфессиялар вакилларининг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратиш бўйича тизимли фаолияти мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг самарали моделини изчил ривожлантиришга имкон бермоқда.

3-боб. Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифалари ва принципи

8. Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратишдан, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашишдан, конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашдан, жамиятда диний бағрикенгликни ва дунёвийликни таъминлашдан иборат.

9. Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг эркинлигини ва қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

кўп миллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистон халқининг бирлиги ва бирдамлигини, урф-одатларига нисбатан ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш;

давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишида конституциявий нормаларга мувофиқ дунёвийликка таяниш;

конституциявий нормаларга мувофиқ давлат бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини, шунингдек ижтимоий муносабатларни дунёвийлик асосида тартибга солинишини таъминлаш;

жамиятда диний бағрикенглик ва қонунийликни қарор топтириш бора-сида фуқароларнинг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг ўз касбий фаолиятида ва функционал вазифаларни бажаришда бирор-бир динга ёки эътиқодга устунлик беришига ёхуд бирор-бир динни ёки эътиқодни камситишига йўл қўймаслик;

жаҳон илм-фани, маданияти, санъати ва адабиётининг илғор ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда мамлакатнинг илм-фани ва маданиятини ривожлантириш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа, жамоат хавфсизлигига ва жамоат тартибига таҳдид солувчи радикаллашувга қарши курашиш, экстремизм ва терроризм ғояларининг тарқатилишига йўл қўймаслик.

10. Ўзбекистон Республикасида диний соҳадаги давлат сиёсати қуйидаги асосий принципларга таянади:

қонунийлик;

виждон эркинлиги;

диннинг давлатдан ажратилганлиги;

тенглик;

эркин танлов;

динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш.

11. Қонунийлик принципага мувофиқ диний соҳадаги давлат сиёсати Конституцияга ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорларнинг Конституцияга ва қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаслиги таъминланади.

12. Виждон эркинлиги принципага биноан Ўзбекистон Республикасида барча шахслар учун дин ва эътиқод эркинлиги кафолатланади.

Фуқаролар хоҳлаган динга эътиқод қилиш, эътиқодни ўзгартириш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидан эркин фойдаланади. Диний қарашларни ёки динга эътиқод қилмасликни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини уларнинг муайян диний таълимотга муносабатига қараб чеклашга, тўғридан-тўғри ёки билвосита устунлик бериш-

га, уларнинг диний эътиқоди мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга йўл қўйилмайди.

13. Диннинг давлатдан ажратилганлиги принципи диний ташкилотлар ва давлат органлари ўзаро бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги, давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини юкламаслиги, диний ташкилотларнинг давлат функцияларини амалга оширишига йўл қўймаслигига оид қоидаларни назарда тутди.

Ушбу принцип диний қарашлардан қатъи назар, конституциявий ҳуқуқий тизим (ҳуқуқ нормалари ва уларни қўллаш), демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, инсонпарварлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик, инсон ҳуқуқлари ғояларига таянади.

14. Тенглик принципига мувофиқ фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлиб, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади.

Фуқароларга бирор-бир динга эътиқод қилиши ёки эътиқод қилмаслигидан келиб чиқиб имтиёзлар беришга ёки улардан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди.

Қонунлар диний эътиқодидан ёки бирор-бир динга эътиқод қилмаслигидан қатъи назар, барча фуқароларга нисбатан бир хилда қўлланилади.

15. Эркин танлов принципига кўра, фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

16. Динлараро мулоқот ва ўзаро тушуниш принципи асосида турли динларга эътиқод қиладиган ёки бирор-бир динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли конфессияларга оид ташкилотлар ўзаро диний бағрикенглик, муроса, ҳурмат ва ўзаро тушуниш асосида мулоқот ўрнатади.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли конфессияларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат, бағрикенглик руҳи ўрнатилишини таъминлайди, радикаллашувга, экстремизмга, терроризмга, турли динларга мансуб ақидаларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ва кескинлаштиришга, шу асосда фуқаролар тотувлигини бузишга, турли конфессиялар ичида ва бошқа конфессиялар ўртасида адоват қўзғатишга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

4-боб. Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашнинг ва диний соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари

17. Фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини изчил рўёбга чиқариш, жамиятда конфессиялараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўналишида давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини амалга ошириш

кафолатларини таъминлаш, диний ташкилотларнинг қонуний фаолияти учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

б) давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини ваколатли давлат органи орқали мувофиқлаштириш;

в) конфессиялараро тотувликни ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органлари, диний ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

г) зиёрат туризми, бошқа диний расм-русумлар ва маросимлар хавфсиз ўтказилишини таъминлаш масалалари бўйича фуқаролар, диний ташкилотлар ва давлат органларининг ҳамкорлигини таъминлаш;

д) диний конфессияларнинг байрамларини ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

е) зиёратгоҳларни ва муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ҳамда асраб-авайлаш;

ж) давлат рўйхатидан ўтган диний таълим муассасаларида диний ташкилотлар учун юқори малакали ходимларни тайёрлашга қўмаклашиш;

з) диний таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасида диний соҳани тартибга солувчи ва дунёвий давлат асосларини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатлари бўйича билим бериш учун шарт-шароитлар яратиш;

и) фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш, жамиятда конфессиялараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлардан фуқароларнинг хабардорлигини ошириш.

18. Динларнинг илмий-маданий меросини ўрганиш, диншунослик ва диний соҳадаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш йўналишида давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) Ўзбекистон халқининг турли тарихий даврларда шаклланган динларга оид маданияти ҳамда ислом цивилизациясининг ёрқин ютуқлари сифатида тан олинган буюк мутафаккир ва олимларнинг диний-фалсафий меросини, тарихий асарлар, меъморчилик, шеърят, ижтимоий-табiiй фанлар соҳасига оид қўлёзма манбаларни ўрганиш бўйича фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

б) давлат олий таълим муассасаларида диншунослик бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

в) хорижий ва маҳаллий олимлар, диний конфессиялар бўйича малакали экспертлар иштирокида диний соҳадаги долзарб муаммоларни ўрганишга оид илмий-маърифий тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш;

г) илмий-тадқиқот муассасалари томонидан радикаллашувга, экстремизмга ва терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро, минтақавий ва миллий миқёсда илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш;

д) аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ва социологик сўровлар ўтказиб борилишини таъминлаш.

19. Диний соҳада фуқароларнинг виждон эркинлигига, жамоат хавф-

сизлигига ва жамоат тартибига таҳдид солувчи омилларга қарши курашиш йўналишида давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) диний радикаллашувга, яъни шахсий диний қарашлар асосида маълум бир диннинг ёки конфессиянинг бошқаларига нисбатан устунлигини, шахсий диний қарашларни талқин қилишда қонунчилик талабларига ва бошқа фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқига риоя этилмаслигини тарғиб қилувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

б) радикал диний оқимлар, экстремистик ва террористик ташкилотлар фояларига қарши курашиш ва уларнинг мафкураси тарқалишининг олдини олиш, бу мақсадда давлат органларининг ва фуқаролик жамияти институтларининг диний ташкилотлар билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

в) радикал диний оқимлар, экстремистик ва террористик ташкилотлар фоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни, айниқса ёшларни ижтимоий мослаштиришга, уларнинг жамиятда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлик муҳитига интеграциялашувини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

г) диннинг инсонпарварлик моҳиятини, жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим ўрнини очиб бериш бўйича замонавий стратегияларни амалга оширишга қаратилган давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси вакиллари ўртасидаги самарали ҳамкорлик тизимини яратиш;

д) ахборот маконида диндан қонунга хилоф равишда ва сиёсий мақсадларда фойдаланиш ҳолларини аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни кўриб бориш;

е) ахборот маконида диний масалаларга бағишланган материалларнинг миллий қонунчилик талабларига мувофиқ ҳолда ёритилишини таъминлаш;

ж) виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳолларига ўз вақтида муносабат билдириш ва адолатли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш, ҳуқуқий ва профилактик таъсир кўрсатишнинг замонавий, таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

з) миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қўзғатишга, шу жумладан бирор-бир динга устунлик бериш ёки бошқа динларга нисбатан муросасизлик фояларини тарғиб қилишга туртки бўладиган материаллар тарқатилган, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилган тақдирда, бундай ахборот ресурсларидан фойдаланишни қонунда белгиланган тартибида чеклаш;

и) диний таассублар замирида содир этиладиган экстремизм ва терроризмга оид жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва уларга чек қўйиш чораларини кўриш.

5-боб. Дунёвий давлатда умумжамият манфаатлари ва виждон эркинлиги уйғунлигини таъминлаш

20. Дунёвий давлатда умумжамият манфаатлари қуйидагиларни қамраб олади:

ҳар бир инсоннинг Конституция ва қонунларда белгиланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тенглик ва адолатлилик асосида рўёбга чиқариш;

ҳар бир шахснинг қонун асосида тенг ҳуқуқ, имконият ва ҳимояга эга бўлишини таъминлаш, ҳар бир инсон қадрланадиган ва ҳурмат қилинадиган, унинг фикри инобатга олинадиган ижтимоий муҳитни яратиш;

моддий неъматлар ва имкониятларни мутаносиб равишда тақсимлашга, тизимли тенгсизликларни бартараф этишга ҳамда барча шахсларнинг бирламчи эҳтиёжларини (таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва иқтисодий имкониятлар) етарли даражада қаноатлантиришга қаратилган ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш;

турли қарашлар ва нуқтаи назарларга эга ижтимоий гуруҳлар ўртасида бирдамлик ҳамда бағрикенглик, тинч-тотув яшаш ва ҳамжиҳатлик руҳини шакллантириш, улар ўртасида мулоқот, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда бир-бири ҳақида янглиш тасаввурлар ва адоват пайдо бўлишининг олдини олувчи барқарорлик ва тотувлик муҳитини яратиш;

бирор-бир ижтимоий гуруҳнинг манфаатларига устуворлик бермаган ҳолда, барча фуқароларнинг умумий фаровонлигини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг диний эътиқоди ва қарашларидан қатъи назар, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари асосида истисносиз иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш;

бирор-бир диний қараш асосида атроф-табiiй муҳит барқарорлигига путур етказувчи қарор қабул қилишга ёки амалиётларга йўл қўймаслик;

жамиятнинг ҳар қандай тажовузлардан, ижтимоий ва миллатлараро низолардан, турли конфессиялар ўртасида адоват ва нафрат уйғотишдан, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлигини таъминлаш.

21. Дунёвий давлатда умумжамият манфаатлари ва виждон эркинлиги уйғунлигининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўз шахсий макони доирасида бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликларига ва қонуний манфаатларига дахл қилмасдан, қонунчилик ва жамоат тартибини бузмасдан хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги;

диний жамоа маконида фуқаролар қонунчиликда белгиланган тартибда диний ташкилотларда, диний расм-русумлар ва маросимлар ўтказилаётган жойларда, қонунчиликда белгиланган тартибда, бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл этмаган ҳолда ўз диний қарашларини ифодалаши, ибодатларни, расм-русумларни якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб бажариши;

ижтимоий-сиёсий маконда ҳуқуқий тартибга солинадиган масалалар бўйича дин ва динсизлик билан боғлиқ ақида ва қарашларни қонунга ҳилоф равишда тарқатишга ҳамда диний белгиларга кўра сиёсий партияларни ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларини ташкил этишга ва қарорлар қабул қилишга йўл қўйилмаслиги.

**6-боб. Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор
йўналишлари ва механизмлари**

1-§. Давлат бошқаруви йўналишида

22. Давлат бошқаруви йўналишидаги дунёвийлик бу — давлат бошқарувига оид қарорларни қабул қилиш ҳамда амалга оширишда Конституция ва қонунларга мувофиқ умуммиллий ва умуминсоний қадриятларни ва маданий меросни ҳурмат қилган ҳолда, умумжамият манфаатларини кўзлаш, илмий асосланган ёндашувларга таянишдир.

23. Давлат бошқаруви йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, халқаро шартномаларни ва бошқарувга оид қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш жараёнида умумжамият манфаатларини кўзлаш, илмий асосланган ҳулосаларга таянишни қатъий таъминлаш;

б) давлат бошқарувига оид қарорларни қабул қилишда фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ва турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари кенг жалб қилиш;

в) диний белгиларга қўра сиёсий партияларни ва оммавий жамоат ҳаракатларини ташкил этишга йўл қўймаслик юзасидан ташкилий ва ҳуқуқий чоралар кўриш;

г) диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайлов тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган чекловларга риоя этишини таъминлаш;

д) давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг диний қарашлари уларнинг профессионал фаолиятига ва функционал вазифаларини амалга оширишига таъсир қилмаслигини таъминлаш;

е) суд ҳокимиятининг миллий, ирқий ёки сиёсий ва диний таъсирлардан мустақил ва холи бўлишини таъминлаш;

ж) давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимининг дунёвий қадриятлар асосида ташкил этилишини таъминлаш;

з) давлат хизматига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда уларнинг умумжамият манфаатларини англаш, оқилона ва илмий асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлишини таъминлаш;

и) давлат фуқаролик хизматчиларининг ва ҳарбий хизматчиларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари асосида олиб боришини таъминлаш;

к) дунёвийлик асослари ва умумжамият манфаатларига раҳна солувчи ички ва ташқи хавфларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

2-§. Иқтисодиётни тартибга солиш йўналишида

24. Иқтисодиётни тартибга солиш йўналишидаги дунёвийлик бу — давлат томонидан иқтисодиётни, иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда эмпирик далиллар, оқилона таҳлил ва объектив кузатувларга асосланган иқтисодий қонуниятлар, принциплар ва институтларга таянишдир.

25. Иқтисодиётни тартибга солиш йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) давлатнинг иқтисодий сиёсатга доир қарорлари эмпирик далиллар, оқилона таҳлил ва объектив кузатувлар асосида қабул қилинишини таъминлаш;

б) иқтисодий сиёсат юритишнинг илмий ва услубий асосларини кенгайтириб бориш;

в) иқтисодиёт субъектларининг молия ва банк хизматларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

г) иқтисодиёт субъектлари томонидан истеъмолчиларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини диний қарашлар асосида чеклашга йўл қўймаслик;

д) иқтисодиёт субъектлари томонидан иқтисодий фаолият турларини, бизнес-ҳамкорларни, савдо-шерикларни танлашда иқтисодий эркинлик ва очиқ бозор принципларига риоя этишнинг аҳамиятини тушунтириб бориш;

е) иқтисодиётнинг ҳаётий муҳим тармоқлари, шу жумладан озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий техника, гигиена воситалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласи соҳаларидаги иқтисодий муносабатларда умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига амал қилинишини таъминлаш;

ж) фуқароларнинг иқтисодиёт қонуниятлари, принциплари ва институтлари ҳақидаги объектив тасаввурларини бойитиш, уларда бозор иқтисодиёти ҳақида эмпирик далиллар тўплаш, оқилона таҳлил ва объектив кузатув асосида иқтисодий қарорлар қабул қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

з) илм-фан, инновациялар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни тизимли қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

3-§. Таълим йўналишида

26. Таълим йўналишидаги дунёвийлик бу — таълим жараёнида, уни ташкил қилишда ва таълим хизматларини кўрсатишда таълим олувчиларда диний ақида ва қарашлардан холи тарзда илмий билимларни, мантикий фикрлаш кўникмаларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириш, қарашлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, умумжамиyat манфаатларига ҳисса қўшиш ғояларига таянишдир.

27. Таълим йўналишида дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) таълим тизимининг дунёвий хусусиятини таъминлашга доир изчил ва тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

б) фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда дунёвий ва диний таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш;

в) қонунларга асосан белгиланган мажбурий таълим олишни бирор-бир асосга кўра чеклашга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриб бориш;

г) мамлакат аҳолисида, айниқса ёшларда илмий, ақлий салоҳиятни юксалтириш, ватанпарварлик туйғуларини, миллий қадриятлар ва ижтимоий ахлоқ нормаларига бўлган ҳурмат руҳини кучайтириш;

д) хотин-қизларнинг таълим олиши учун кенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни илм-фанга фаол жалб этиш орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

е) таълим тизимида диний бетарафликни сақлаш ва диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймайдиган муҳитни таъминлаб бориш;

ж) таълим тизимида ўқув дастурларининг инклюзивлигини таъминлаб бориш;

з) таълим олувчиларда уларга кенг имкониятларни тақдим этадиган аниқ ва гуманитар фанлар ва ижтимоий фанларни, санъатни ўз ичига олган билим ва кўникмаларни шакллантириш;

и) таълим олувчилар учун танқидий-тахлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантирадиган, маълумотларни таҳлил қилиш, илмий фаразларни текшириш, далилларни баҳолаш кўникмасини шакллантирадиган изланиш ва ўрганиш муҳитини яратиш;

к) инсонпарварлик ва адолат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, миллий ва умуминсоний ғояларга ҳурмат каби қадриятлар сингдирилишини, ахлоқий масалаларга мақбул ечим топиш кўникмалари шакллантирилишини таъминлаш;

л) турли диний эътиқодлар ва таълимотларнинг тарихи, ривожланиш босқичлари ва замонавий тенденциялари тўғрисида ҳолисона билим бериш;

м) турли динлар, маданиятлар ва дунёқарашларга нисбатан ҳурмат, бағрикенглик ва тушуниш муҳитини таъминлаб бориш;

н) педагог кадрларни тайёрлаш ва танлашда уларнинг диний бағрикенгликни сақлаган ҳолда билим бериш, ахлоқ ва эстетикани сингдириш қобилиятини ўстириш ҳамда мустаҳкамлаш.

4-§. Тиббиёт йўналишида

28. Тиббиёт йўналишидаги дунёвийлик бу — соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, тиббий хизматлар кўрсатиш ва тиббий маданиятни шакллантиришда илмий тадқиқотлар, далиллар, тиббий-одоб қоидалари, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари устуворлиги принципларига таянишдир.

29. Тиббиёт йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) клиник ва илмий тасдиқланган муолажаларни ҳамда дори воситаларини қўллаш бўйича қарор қабул қилишда илмий асосланмаган қарашларга, таъсирларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

б) беморларнинг тўлиқ хабардорлиги асосидаги тиббий муолажалар ва патологоанатомик амалиётлар ўтказишга ихтиёрий розилик беришга тўсқинлик қилувчи қарашларнинг зарарларини тушунтириб бориш;

в) ноилмий расм-русумларга асосланган муолажа амалиётлари тиббиёт фанида ва амалиётда мавжуд илмий даволаш усулларининг ўрнини боса олмаслиги ҳақида фуқароларда аниқ тасаввурларни шакллантириш;

г) тиббий амалиётлар ва тажрибалар шахс ва жамият учун фойдали натижа келтиришини, инсоннинг соғлиғи яхшиланишига олиб келишини таъминлайдиган ишончли механизмларни жорий этиш;

д) ҳар бир шахсга эҳтиёжига мос тиббий хизматлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратиш;

е) аҳоли ўртасида тиббий муолажани ва даволашни рад этувчи, жамоат саломатлигини хавф остида қолдирувчи қарашлар ва янглиш тасаввурларни бартараф этиш бўйича тушунтиришлар олиб бориш;

ж) клиник тасдиқланмаган даволаш амалиётларини чеклаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

з) ҳар қандай илмий асосланган тиббий ёрдам ва муолажа инсоннинг ҳаёти учун зарур бўлган чора сифатида қўлланилиши мумкинлигини тарғиб қилиш;

и) инсоннинг соғлиғини ва ҳаётини сақлаш учун тиббий аралашув зарур бўлган ҳолларда фуқароларни тиббий ёрдам кўрсатилишини рад этишга чақиришга йўл қўймаслик бўйича ташкилий ва ҳуқуқий чоралар кўриш;

к) эмлашдан, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясидан, қон қуйиш ва бошқа тиббий ёрдамни турли сабабларга кўра рад этган шахслар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш;

л) тиббиёт ходимлари томонидан тиббий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда фармацевтика фаолияти жараёнида ўз эътиқодидан келиб чиқиб, беморларнинг ҳаёти ва соғлиғига, бошқа манфаатларига дахл қиладиган ҳар қандай ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бажаришга, шунингдек бундай хатти-ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) чақиришга йўл қўймаслик юзасидан норматив-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

м) халқ таъбири учун усулларида қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш учун имкониятлар яратиш.

5-§. Маданият йўналишида

30. Маданият йўналишидаги дунёвийлик бу — жамиятнинг маданий ривожланиши жараёнида, жумладан урф-одатлар, бадий ва амалий санъат (адабиёт, мусиқа, хореография, театр, кино ва бошқалар) соҳаларини ривожлантиришда инсонпарварлик, табиатга ғамхўрлик, миллий ва умуминсоний маданий меросга ҳурмат ғояларига таянишдир.

31. Маданият йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) барча миллат ва элатлар, конфессияларга мансуб фуқароларнинг маданиятини ривожлантириш учун адолатли шарт-шароитлар яратиш;

б) маданий хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш, миллий ва дунёвий қадриятларни тарғиб қилувчи асарлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

в) оқилона тафаккур, танқидий фикрлаш, инсонпарварлик ғояларини, эстетика ва этикани тарғиб қилувчи бадий ва амалий санъат, ижод маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш;

г) маданият соҳасида чекловлар ва цензуранинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

д) маданият соҳасида инсонпарварлик ғояларига асосланадиган санъат, бадий адабиёт ва ижод, мусиқа, театр, хореография, эстрадани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

е) конфессиялараро тотувлик, муаммоли масалаларни келишув йўли билан ҳал этиш, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш, фикрлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва жамиятнинг умумий мақсадларига ижобий ҳисса қўшиш ҳамда умуммиллий қадриятларни кино, театр, адабиёт ва санъат асарлари орқали тарқатишни таъминлаш;

ж) моддий маданий мерос объектларини ва диний ёдгорликларни асраш, уларга ҳурмат руҳини шакллантириш;

з) ахборотни қабул қилишда уни танқидий жиҳатдан таҳлил этиш маданиятини шакллантириш.

6-§. Никоҳ институтини тартибга солиш йўналишида

32. Никоҳ институтини тартибга солиш йўналишидаги дунёвийлик бу — никоҳ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонунчиликка таянишдир.

33. Никоҳ институтини тартибга солиш йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) никоҳ институтини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг дунёвий қадриятларга асосланиши;

б) никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқчилигига асосланишини таъминлаш;

в) никоҳ тузишга доир диний маросимнинг фақат никоҳ қонунда белгиланган тартибда қайд этилганидан кейингина амалга оширилишини таъминлаш;

г) икки ёки ундан ортиқ хотин ёхуд икки ёки ундан ортиқ эр билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилишни чеклаш чораларини кўриш;

д) жамиятда шаклланган ва амалдаги қонунчиликка асосланган анъанавий никоҳ муносабатларини, миллий қадриятлар ва удумларни қўллаб-қувватлаш.

7-§. Ижтимоий ахлоқ ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш йўналишида

34. Ижтимоий ахлоқ ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш йўналишидаги дунёвийлик бу — шахснинг бошқа шахслар ва жамият билан муносабатларда, шахсий эътиқодидан қатъи назар, бошқаларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини, шу жумладан виждон эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда ўзини оқилона тутиши, инсонпарварлик ғоялари, миллий ва дунёвий қадриятларга таянишидир.

35. Ижтимоий ахлоқ ва ҳуққ-атвор нормаларини шакллантириш йўналишидаги дунёвийликни таъминлашнинг асосий механизмлари қуйидагилардан иборат:

а) ижтимоий ахлоқ ва ҳуққ-атвор нормаларининг миллий ва диний қадриятлар ҳисобга олинган ҳолда дунёвий қадриятлар асосида шаклланишини таъминлаш;

б) оилавий ва маиший муносабатлардаги ижтимоий ахлоқ нормаларининг миллий ва диний қадриятлар билан уйғунликда, дунёвий қадриятлар асосида шакллантирилишини рағбатлантириш;

в) ижтимоий адолатга нисбатан ахлоқий нормаларнинг умумжамият манфаатларига уйғунлигини таъминлаш;

г) инсонпарварлик ғояларини ва дунёвий қадриятларни жамиятнинг барча қатламлари орасида оммалаштириш чораларини кўриш;

д) атроф-муҳитга, шу жумладан ҳайвонот ва ўсимлик дунёси хилма-хиллигига нисбатан инсонпарварлик ғояларига асосланадиган муносабатни шакллантириш;

е) жамиятда ижтимоий муносабатлар бирдамлик, тенглик, ҳамкорлик, адолат ва бошқаларнинг шахсий қарашларини ҳурмат қилиш принципларига асосланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ж) диний эътиқодидан қатъи назар, жамиятдаги фуқаролар ва гуруҳларнинг умуммиллий қадриятлар ва умумжамият манфаатлари асосида тотувликда ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўриш;

з) ижтимоий муносабатларга оид у ёки бу масала юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини оқилона, асосли, ўзаро ҳурмат принциплари асосида олиб бориш;

и) ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасида, уларнинг эътиқодидан қатъи назар, очиқ мулоқот ва ўзаро тушунишни таъминлаш;

к) ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларнинг ўзбошимчалик билан амалга оширилишига йўл қўймаслик.

7-боб. Якунловчи қоидалар

36. Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришилади:

фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади;

жамиятда қонун устуворлиги мустаҳкамланади, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошади;

жамиятда тотувлик, ижтимоий ҳамжихатлик ва бирдамлик муҳити мустаҳкамланади, юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш имконияти яратилади;

дунёвийликни таъминлашга доир қонунчилик янада такомиллаштирилади, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва зиддиятлар бартараф этилади;

дунёвий давлат принципини рўёбга чиқаришга тўсиқ бўлувчи омиллар минималлаштирилади;

дунёвий давлатда виждон эркинлигини таъминлаш шарт-шароитлари яратилади;

Ўзбекистон Республикасида давлат ва конфессиялар ўртасида диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни таъминлашга асосланган муносабатлар моделини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади;

диний ва диншунослик таълим йўналишлари бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишни назарда тутадиган диний соҳада кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашади;

диний соҳадаги давлат сиёсатининг ахборот маконида тизимли равишда ёритилишини таъминлаш учун давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси вакилларининг ҳамкорлик механизмлари яратилади;

диний масалаларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ва эксперт-таҳлилий лойиҳаларни амалга ошириш тизими йўлга қўйилади.

37. Концепция йўналишлари бўйича тадбирлар даврий қабул қилинадиган дастурлар орқали амалиётга жорий этиб борилади.

38. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш мақсадида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва унинг натижалари фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини кафолатлайди, шунингдек дунёвийлик турлича талқин қилинишининг ҳамда бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

39. Концепция мамлакат аҳолисининг, айниқса ёшларнинг маънавиятини янада юксалтиришга, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга, давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

40. Концепцияда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг, шу жумладан давлат хизматчиларининг зиммасига юклатилади.

Концепцияни амалга оширишда кенг жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари, диний ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилинади.

41. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарори билан Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Комиссияси (парламент комиссияси) ташкил этилади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

72 **Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбир- лар тўғрисида***

Мамлакатимизда статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида барча субъектларни ҳаққоний ва сифатли статистик маълумотлар билан таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Статистика ишлари самарадорлигини янада оширишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:

(а) макроиқтисодиёт ва тармоқлар даражасида статистик кузатув ўтказиш тизимини ҳамда уларнинг методологиясини халқаро стандарт ва тавсияларга мувофиқ такомиллаштириб бориш;

(б) интеграция жараёнларини кенгайтириш орқали статистик ҳисоботларни қисқартириш ва бизнесга ҳисобот топшириш юқини камайтириб бориш;

(в) «маҳалладан — республикагача» тамойили бўйича статистик кўрсаткичларни шакллантириш тизимини яратиш орқали маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

(г) хорижий статистика органлари ҳамда соҳага оид халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, улар ёрдамида кадрлар салоҳиятини ошириш;

(д) аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари эҳтиёжидан келиб чиқиб янги статистик маҳсулот ва хизматларни жорий этиш.

II. Миллий статистика тизимини тубдан ислоҳ қилиш

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси сифатида қайта ташкил этилсин.

3. Статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратишга қўмаклашиш ҳамда расмий статистикани тайёрловчиларнинг соҳага оид фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Республика статистика кенгаши ташкил этил-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 1 мартда эълон қилинган.

син ҳамда унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Белгилансинки, Республика статистика кенгаши расмий статистикани юритиш тизимини ривожлантириш, мувофиқлаштириш ва фаолият кўрсатишига оид масалалар бўйича коллегиял маслаҳат органи ҳисобланади.

III. Рақамли технологияларни жорий этиш ва интеграция жараёнларини кенгайтириш орқали статистик кўрсаткичлар кўламини ошириш

4. Миллий статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигининг 2025 йил якунига қадар «Худудлар статистикаси» ахборот тизимини ишга тушириш ҳамда унда қуйидаги натижадорлик кўрсаткичларини вилоят, туман (шаҳар)лар кесимида акс эттириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги ва иқтисодиёт тармоқларига киритилган инвестициялар, янги иш ўринлари, аҳоли бандлиги ва даромадлари, солиқ ва бюджетга тушумлар, саноат, сервис ва экспорт;

(б) ишга туширилган янги энергия қувватлари, иқтисодиётда энергия тежамкорлиги, ёқилғи ресурсларидан самарали фойдаланилиши ҳамда энергия тизими барқарорлиги, шунингдек, истеъмолида яшил энергия улуши;

(в) худудларда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар бўйича аҳоли даромади, камбағаллик даражаси, бандлик ва ишсизлик бўйича кўрсаткичлар қиёсийлигини таъминлаш.

5. Миллий статистика қўмитаси ҳамда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Белгилансинки, ахборот тизимларининг интеграцияси доирасида:

(а) Миллий статистика қўмитаси икки ой муддатда ва келгусида заруратга қараб давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларидаги маълумотларни шакллантириш услубиётини ҳамда ахборот тизимларидаги маълумотларни аудитдан ўтказиши;

(б) давлат органлари ва ташкилотлари ўзлари йиғадиган маълумотларнинг рўйхати, услубиёти ва таснифлагичини, шунингдек, уларни йиғиш билан боғлиқ ҳисобот шакллари ва ахборот тизимларини Миллий статистика қўмитаси билан мажбурий тартибда келишади;

(в) Миллий статистика қўмитасига давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларидаги маълумотларни электрон тарзда тўғридан-тўғри, бевосита интеграция қилиб олиш ҳуқуқи берилади.

6. Миллий статистика қўмитаси ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

IV. Бизнесга ҳисобот юкини камайтириш

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Миллий статистика қўмитасининг 2025 йил якуни бўйича ҳисобот давридан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқулласин:

(а) ходимлар сони йиллик ўртача 5 кишидан кам бўлган ва (ёки) йиллик тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 000 баробаригача бўлган микрофирма ва кичик корхоналар учун йиллик статистика ҳисоботини топшириш мажбуриятини бекор қилиб, ҳар уч йилда бир маротаба статистик ҳисобот топширилишини белгилаш (бундан давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналар, дастурларга киритилган ва акциз солиғи тўловчи субъектлар мустасно);

(б) Миллий статистика қўмитаси томонидан мазкур микрофирма ва кичик корхоналар фаолияти бўйича маълумотларни Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидан олиб, статистик кўрсаткичларни шакллантириш;

(в) етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича статистик кўрсаткичларни шакллантиришда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Кадастр агентлиги ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маъмурий маълумотларидан фойдаланиш.

V. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда статистик маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

8. Статистика органларида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда 2026 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги интерактив хизмат турлари жорий этилсин:

(а) ҳисоботларни топширишда корхона ва ташкилотларга маслаҳат берувчи «Маслаҳатчи» сунъий интеллектга асосланган интерактив хизмати;

(б) фойдаланувчиларга статистик маълумотларни тез излаб топишга қўмаклашувчи «Таҳлилчи» сунъий интеллектга асосланган консультив хизмати;

(в) статистик кузатувларни телефон ёрдамида ўтказиш имконини берувчи «Call-марказ» фаолияти.

9. Статистика ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

(а) 4-иловада* келтирилган давлат органлари ва ташкилотларининг марказий аппаратларидаги таҳлилий бўлинмалар зиммасига статистик ва маъмурий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш вазифалари юклатилсин;

(б) Миллий статистика қўмитаси Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг статистик ва маъмурий маълумотларни шакллантиришга масъул бўлинмалар ходимларининг малакасини ошириш чораларини кўриб борсин.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

VI. Кадрлар салоҳиятини ошириш ва жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш

10. Миллий статистика тизими учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг самарали механизмини жорий этиш мақсадида 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Миллий статистика қўмитасида Тошкент давлат иқтисодий университетининг Иқтисодий статистика кафедраси филиали ташкил этилсин. Бунда:

(а) таълим жараёнига Миллий статистика қўмитасининг малакали амалиётчи мутахассисларини жалб этган ҳолда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланади ҳамда талабаларнинг малакавий амалиётлари статистика органларида ташкил этилади;

(б) Миллий статистика қўмитаси олий таълим муассасаларига замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар ва қўлланмаларни яратиш ҳамда таълим жараёнларига жорий этишда қўмаклашади.

11. Аҳоли ва кенг жамоатчиликни долзарб ва ишончли статистик маълумотлар ва таҳлиллар билан таъминлаб бориш мақсадида:

(а) Миллий статистика қўмитаси тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида медиа марказ ташкил этилсин;

(б) Миллий статистика қўмитасининг 2025 йилга мўлжалланган ахборот сиёсатини юритиш бўйича чора-тадбирлар дастури 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин;

(в) Республика статистика кенгаши келгуси йилдан бошлаб ахборот сиёсатини юритиш бўйича чора-тадбирларнинг йиллик дастурини тасдиқлаб борсин.

VII. Миллий статистика тизимини халқаро амалиётга мос равишда такомиллаштириш

12. Миллий статистика қўмитаси 2025 йил якунига қадар:

(а) Миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини жорий этиш ҳолатини тармоқ баҳолашдан (Sectoral Review) ўтказишни ташкил этсин;

(б) Адлия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 июлдан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни улар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи асосида амалга оширсин;

(в) халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқсин. Мазкур Миллий стратегияда қуйидагилар назарда тутилсин:

(i) миллий статистика тизими услубийларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар ва қоидалар билан уйғунлаштириш орқали маълумотларнинг халқаро қийёсийлигини таъминлаш;

(ii) ялпи статистика ҳисоботларини босқичма-босқич танланма кузатув-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар билан алмаштириш ҳисобига бирламчи статистик маълумотларни тўплаш тизимини такомиллаштириб бориш;

(iii) идоравий маълумотлар базаларидан фойдаланишни интеграция қилиш асосида янада кенгайтириш орқали кузатувларни босқичма-босқич мақбуллаштириш ҳамда тадбиркорларга бўлган ҳисобот топшириш юкини камайтириш;

(iv) рақамли ечимлардан, шу жумладан, сунъий интеллект ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

(v) статистик маълумотлардан фойдаланувчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилаш ҳамда талаб юқори бўлган маълумотлар ҳамда таҳлилий ахборотларни тайёрлаш механизмларини жорий этиш.

13. Белгилансинки:

(а) давлат органлари ва ташкилотларида ислохотлар натижадорлигини баҳолаш бўйича Миллий статистика қўмитаси билан тўғридан-тўғри тузиладиган шартнома асосида жойларда танланма кузатувларни ўтказиб бориш амалиёти жорий этилади;

Бунда, танланма кузатувларнинг йиллик режаси Миллий статистика қўмитаси томонидан статистика дастури доирасида тасдиқланади;

(б) барча даражадаги статистика органларининг «Расмий статистика тўғрисида»ги Қонунга асосан олиб борадиган фаолиятига, шу жумладан, статистик кузатувларни ўтказиш, статистик маълумотларни тайёрлаш ва уларни эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 7-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Миллий статистика қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий статистика қўмитаси раиси белгилансин.

Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 24 февраль,
ПФ–27-сон

* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

73

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 24 февралдаги «Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–27-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Статистик кузатувларни ўтказиш ва кўрсаткичларни шакллантириш услубиётларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, соҳада ислохотларни жадаллаштириш ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Миллий статистика қўмитаси тузилмасида «Миллий статистика тизимини трансформация қилиш» офиси (кейинги ўринларда — Трансформация офиси) ташкил этилсин.

2. Трансформация офиси қўйидаги устувор йўналишларда янги механизмларни жорий қилишга масъул этиб белгилансин:

(а) ички ва ташқи фойдаланувчилар учун зарур бўлган статистик маълумотларни, шу жумладан, аҳоли даромадлари ва уларнинг манбаларини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

(б) микро даражада кузатувларни амалга ошириш ва статистик кўрсаткичларни шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш;

(в) Миллий статистика қўмитаси билан расмий статистикани тайёрловчи бошқа давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорлик ва услубий мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

(г) статистика маълумотларидан фойдаланувчилар билан самарали қайта алоқани (мижозга йўналтирилганликни) жорий этиш;

(д) халқаро ташкилотлар иштирокида статистика органлари ходимларининг салоҳиятини ошириш ишларини ташкил этиш;

(е) соҳада фаолият юритаётган илмий муассасалар, тадқиқотчилар ҳамда нуфузли халқаро консалтинг ташкилотлари билан статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

(ж) статистика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш.

3. Белгилансинки:

(а) Трансформация офиси штат бирликлари Миллий статистика қўмитаси тизими ташкилотларининг амалдаги штатлари доирасида шакллантирилади;

(б) Трансформация офиси фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари Миллий статистика қўмитаси раисининг трансформация масалалари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади;

(в) ҳудудий статистика органлари балансидаги туман (шаҳар) бўлимлари биноларини белгиланган тартибда сотишдан тушган маблағлар статистика

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 1 мартда эълон қилинган.

органлари ҳисобида қолдирилади ҳамда соҳанинг стратегик йўналишларини ривожлантиришга йўналтирилади.

4. Қўйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

(в) Республика статистика кенгаши тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Миллий статистика қўмитаси тизимининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами тузилмалари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 1 392 та, шу жумладан, Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосарлари сони 3 та этиб белгилансин. Бунда:

(а) Миллий статистика қўмитасининг марказий аппарати ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган жами 470 та, шундан 330 та бошқарув ходимлари, 140 та ишлаб чиқариш ходимлари штат бирликлари мақбуллаштирилаётганлиги инобатга олинсин;

(б) мақбуллаштирилаётган штат бирликлари ҳисобидан бўшайдиган маблағлар Миллий статистика қўмитаси тизимидаги ходимларнинг асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантиришга йўналтирилсин ҳамда кейинги йилдан бошлаб рағбатлантириш учун ажратиладиган маблағлар Миллий статистика қўмитаси харажатларида алоҳида сатрда акс эттирилсин.

6. Миллий статистика қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тизимдаги барча бўлинмаларнинг фаолиятини тўлиқ қамраб олувчи 2025 йилга мўлжалланган асосий ойлик самарадорлик кўрсаткичларини (КРІ) тасдиқласин.

7. Миллий статистика қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари 4, 5 ва 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Расмий статистика соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича «Йўл харитаси» 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Миллий статистика қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий статистика қўмитаси раиси белгилансин.

* 1, 4 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 24 февраль,
ПҚ–75-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 24 февралдаги
ПҚ–75-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика
қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда — Миллий статистика қўмитаси) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Миллий статистика қўмитаси расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда статистика дастурлари ижро этилишини таъминлаш учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади ва давлат буюртмаси бўйича статистика ишларининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб боради.

3. Миллий статистика қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Миллий статистика қўмитаси ўз фаолиятини Республика статистика кенгаши томонидан тасдиқланадиган бир йиллик статистика дастури асосида амалга оширади.

5. Статистика органлари фаолиятига, шу жумладан, статистика ҳисоботларини йиғиш, статистика кузатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш ва эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди.

6. Миллий статистика қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарор ва буйруқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар ва уларнинг ман-

сабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Миллий статистика қўмитаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр ва бланкларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади.

8. Миллий статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

9. Миллий статистика қўмитасининг расмий номланиши:

(а) давлат тилида тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, қисқартирилган номи — Миллий статистика қўмитаси;

(б) инглиз тилида тўлиқ номи — National Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — National Statistics Committee;

(в) рус тилида тўлиқ номи — Национальный комитет Республики Узбекистан по статистике, қисқартирилган номи — Национальный комитет по статистике.

10. Миллий статистика қўмитасининг жойлашган манзили (почта манзили): 100170, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси 63-уй.

2-боб. Миллий статистика қўмитасининг тузилмаси

11. Миллий статистика қўмитаси тизимига қуйидагилар киради:

(а) Миллий статистика қўмитасининг марказий аппарати;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри статистика бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий статистика бошқармалари);

(в) туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари;

(г) Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти.

12. Миллий статистика қўмитасининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Институт) статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг статистика соҳасида касбий даражаси ва малакасини оширади, статистика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боради ва инновацион ишланмаларни амалга оширади.

3-боб. Миллий статистика қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари

13. Қуйидагилар Миллий статистика қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

(а) расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш, статистика услубиётлари

ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш;

(б) фойдаланувчилар эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга долзарб статистика маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш жараёнларини ташкил этиш;

(в) халқаро даражада умумқабул қилинган расмий статистиканинг асосий принциплари асосида сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган таъсирчан механизмларни амалиётда қўллаш;

(г) статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, ўз ахборот тизимларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;

(д) Очик маълумотлар порталида маълумотларни ўз вақтида акс эттириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда фаолиятга оид халқаро рейтинг ва индекслардаги маълумотларни янгилаб бориш;

(е) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг юқори даражада амалга оширилишини таъминлаш;

(ж) миллий статистика тизимидаги кадрлар салоҳиятини ошириш ва статистик тадқиқотларни ривожлантириш борасида фаол сиёсатни юритиш.

14. Миллий статистика қўмитаси ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

(а) расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш, статистика услубиётлари ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш соҳасида:

(i) расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда расмий статистика соҳаси ривожланишининг истиқболли мақсадлари ва йўналишларини белгилайди;

(ii) миллий статистика тизимига статистика фаолиятини ташкил этишнинг халқаро даражада тавсия этилган илғор услубиётлари ва тавсияларини жорий этиш юзасидан зарур чораларни амалга оширади;

(iii) кўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради ҳамда амалга оширилишини мониторинг қилади;

(iv) расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда амалга оширади ва статистика дастурлари доирасида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

(v) расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этилишини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика услубиётлари бир хиллиги-

ни таъминлайди, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари статистика услувиётларини халқаро тавсияларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказилади;

(vi) миллий статистика тизими фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади, расмий статистика соҳаси масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади;

(vii) расмий статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда халқаро тавсиялар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш услувиётларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди, жорий этади ва такомиллаштиради;

(viii) ваколати доирасидаги масалалар бўйича тавсия, қўлланма ва кўрсатмалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалиётга жорий этади;

(ix) расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш асосида статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалиётга жорий этади, статистика кузатувларини ўтказиш усулларини белгилайди;

(x) миллий статистика тизимига статистика фаолиятини ташкил этишнинг халқаро даражада тавсия этилган илғор услувиётлари ва тавсияларини жорий этиш юзасидан зарур чоралар кўради;

(xi) статистика ишлари ва кузатувларини амалга ошириш жараёнига консалтинг компаниялари, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда «махалла еттилиги» аъзоларини шартнома асосида жалб қилади;

(xii) маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ўзлари йиғадиган статистика кузатувлари шакллари келишади;

(б) фойдаланувчилар эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга долзарб статистика маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш жараёнларини ташкил этиш соҳасида:

(i) иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, тарқатиш ва эълон қилиш ишларини амалга оширади;

(ii) макроиқтисодий, тармоқ ва минтақавий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар қамровини кенгайтиришга қаратилган статистик кузатувларни амалга ошириш тизимини умумэътироф этилган халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштириб боради;

(iii) миллий статистика тизимига кирувчи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда статистика дастурларининг бажарилишини таъминлайди;

(iv) тармоқлар ва соҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйи-

ча давлат дастурларини бажариш жараёнлари юзасидан статистика кузатувларини ташкил этади ва амалга оширади;

(v) статистика маълумотларини йиғишни, уй хўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олишларни, бир маротабалик ҳисобга олишларни, танланма сўровларни ва бошқа статистика кузатувларини ўтказишни ташкил этади;

(vi) иқлим ўзгариши ва «яшил иқтисодиёт» бўйича шаклланадиган кўрсаткичларни халқаро стандарт ҳамда меъёрларга мувофиқлаштириб боради;

(vii) макроиқтисодий кўрсаткичларнинг статистик ҳисоб-китобларини амалга оширади ҳамда мамлакатдаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилини олиб боради;

(viii) респондентларга электрон шаклдаги статистика ҳисоботларини тўлдириш ва тақдим этиш учун махсус ахборот тизимидан бепул фойдаланиш имконини яратади;

(ix) респондентларга ишончли статистика маълумотларини тақдим этишда ҳар томонлама қўмаклашади, статистика маълумотларини тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқади;

(x) статистика ҳисоботларини йиғиш, статистика кузатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш ва эълон қилиш жараёнларига давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳар қандай аралашувини истисно қилиш чора-тадбирларини кўради;

(xi) маълумотлар базасини, статистика регистрларини, веб-сайтларни шакллантиради, юритади ва янгилаб боради, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишга доир зарур тушунтиришлар беради;

(xii) расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан статистика маълумотлари ва метамաълумотлар алмашинувини кенг йўлга қўяди;

(xiii) олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот ва индивидуал маълумотлардан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

(xiv) ўз ваколатлари доирасида статистика органлари фаолияти жараёнларида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашни таъминлайди;

(xv) қўшимча равишда ишлов берилган статистика маълумотларини, босма нашрларни ва бошқа материалларни расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг сўровига кўра пулли асосда тақдим этишни амалга оширади;

(xvi) статистик маълумотлардан фойдаланувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда долзарб статистик маълумотларни тайёрлайди ҳамда янги статистик маҳсулот ва хизматлар кўламини кенгайтириб боради;

(xvii) шартнома асосида расмий статистика масалалари бўйича пулли хизматлар, шунингдек, Статистика дастуридан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади ҳамда ишларни бажаради;

(xviii) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ статистика органлари фаолияти жараёнларида архив хужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга оширади;

(в) халқаро даражада умумқабул қилинган расмий статистиканинг асосий принциплари асосида сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган таъсирчан механизмларни амалиётда қўллаш соҳасида:

(i) расмий статистика маълумотлари расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этган ҳолда тайёрланиши ва тарқатилишини ташкил этади;

(ii) сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва уларни расмий статистика соҳасига жорий этиш чораларини кўради;

(iii) расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган статистика кузатувлари тизимини мақбуллаштириш йўли билан ҳолисона, сифатли ва талаб юқори бўлган ҳисобот маълумотлари тайёрланишини, танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончилиги босқичма-босқич оширилишини мувофиқлаштиради;

(iv) расмий статистика учун зарур бўлган статистик таснифлагичларни ишлаб чиқади ва юритади, халқаро стандарт таснифлагичлар асосида уларнинг мунтазам равишда қайта кўриб чиқилишини амалга оширади;

(v) очиқ статистика маълумотларини статистика органлари, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари, бошқа давлат органлари ва халқаро ташкилотларнинг интернет ресурслари ҳамда нашрларида жойлаштириш йўли билан тарқатади ва барча фойдаланувчиларга расмий статистика маълумотларидан кенг фойдаланиш учун тенг имкониятларни яратади;

(vi) бошқа мамлакатларнинг расмий статистикани тайёрловчилари ва халқаро ташкилотлар билан очиқ статистика маълумотларини ўзаро алмашади;

(vii) миллий ва хорижий фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг максимал даражада очиқлиги ва шаффофлигини, шу жумладан, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб бориш кўрсаткичлари халқаро статистик тўпламларда чоп этилишини таъминлаш мақсадида халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлайди;

(viii) статистик маълумотларни соф ойлар ва соф чораклар кўринишида юритиш, юқори частотали иқтисодий фаоллик кўрсаткичларини шакллантиради ва эълон қилади;

(ix) расмий статистика соҳасида халқаро ташкилотлар, статистика институтлари ва бошқа мамлакатларнинг расмий статистикани тайёрловчилари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида белгиланган тартибда битимлар тузади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

(x) расмий статистика соҳасига халқаро даражада тавсия этилган илғор

тизимлар ва тавсияларни жорий этиш учун халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва бошқа чет эллик донорларнинг маблағлари ҳамда грантлари (техник кўмаги)ни жалб этиш ишларини амалга оширади;

(xi) аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, илмий тадқиқот институтлари, халқаро экспертлар ва давлат идораларини рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ишончли статистик маълумотлар билан таъминлайди;

(xii) расмий статистикадан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, статистика маълумотларининг мазмуни ва сифатини янада яхшилаш мақсадида фойдаланувчилар ўртасида тақдим этилаётган статистика маълумотларидан қониқиш даражасини баҳолаш бўйича сўровлар ўтказилади;

(xiii) маҳаллий ва хорижий ахборот маконларини расмий статистик кўрсаткичлар асосида тайёрланган материаллар ва улар бўйича тушунтиришлар билан таъминлайди;

(xiv) расмий статистика маълумотларининг манбалари, уларни тайёрлаш усуллари, ишончилиги, шаффофлиги, ошкоралиги ва сифати тўғрисида фойдаланувчиларни метамаълумотлар ёрдамида хабардор қилиб боради.

(г) статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, ўз ахборот тизимларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш соҳасида:

(i) статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилиши ва уларни қайта ишлашни таъминловчи рақамли технологияларни статистика органлари фаолиятига жорий этади;

(ii) статистика кузатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ва таҳлил қилиш мақсадида, заруратга кўра, мавжуд ахборот тизимларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини босқичма-босқич йўлга қўяди;

(iii) статистика маълумотлари билан ишлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини ошириш, статистика органларида фойдаланиладиган ахборот тизимларини доимий такомиллаштириш, статистика маълумотларининг ягона банкни шакллантириш, кўрсатилаётган интерактив хизматлар таркибини кенгайтириш ва сифатини яхшилашни таъминлайди;

(iv) расмий статистикадан фойдаланувчиларга реал вақт режимида статистик кўрсаткичларнинг кенгайтирилган рўйхатидан эркин фойдаланиш имконини берувчи статистика маълумотлари базасини ишлаб чиқади ва юритади;

(v) ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот алмашинувининг ҳимояланган электрон шаклига босқичма-босқич ўтиш, хавфларга қарши тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник базани такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

(vi) миллий ахборот макони яхлитлигини сақлаш, статистика органлари

ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

(vii) ягона таснифлаш тизими асосида юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификациялашни, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри самарали фаолият кўрсатишини ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди;

(viii) ўзаро мос ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш учун асос сифатида статистик таснифлагичлардан фойдаланишни таъминлайди;

(ix) интернет ресурсларига жойлаштириш йўли билан статистик таснифлагичлар ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида фойдаланувчиларни хабардор қилади;

(x) давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграция жараёнларини кенгайтириш орқали статистик ҳисоботларни қисқартиradi ва бизнесга «ҳисобот юки»ни камайтириб боради;

(xi) «махалладан — республикагача» тамойили асосида статистик кўрсаткичларни шакллантириш тизимини яратиш орқали маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди ҳамда туман (шаҳар)лар кесимида таҳлилий маълумотларни эълон қилиш ишларини ташкил қилади;

(xii) маъмурий маълумотларни шакллантириш услубиётини такомиллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш орқали статистик маълумотлар сифати ва самарадорлигини ошириб боради;

(д) Очик маълумотлар порталида маълумотларни ўз вақтида акс эттириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда фаолиятга оид халқаро рейтинг ва индекслардаги маълумотларни янгилаб бориш соҳасида:

(i) давлат органлари ва ташкилотларининг Порталда эълон қилинадиган очик маълумотлар тўплamlари рўйхатини умумлаштириш ҳамда янгиланишнинг аниқ муддатлари ва даврийлигини белгиллаган ҳолда тасдиқланишини ҳамда мунтазам янгилаб турилишини ташкил этади;

(ii) Портални янада ривожлантириш ва унинг функционал имкониятларини кенгайтириш бўйича «йўл харита»ларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил этади;

(iii) очик маълумотларни етказиб берувчи давлат органлари ва ташкилотларига ҳамда фойдаланувчиларга Порталдан самарали фойдаланиш бўйича услубий ёрдам кўрсатади;

(iv) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан рўйхат асосида маълумотларнинг тўлиқ жойлаштирилиши ҳамда уларнинг ўз вақтида Порталда акс эттирилиши бўйича фаолиятни баҳолашда иштирок этади ва мувофиқлаштиради;

(v) Порталда эълон қилинган очик маълумотлар тўплamlари долзарблигини доимий мониторинг қилади;

(vi) очик маълумотларни етказиб берувчи давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларининг очик маълумотлар соҳасида малакаларини ошириб боришни амалга оширади;

(vii) Порталнинг функционал имкониятлари ўзгарганлиги тўғрисида ундан фойдаланувчиларнинг хабардор қилинишини ташкил этади;

(viii) мамлакатда очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

(ix) фаолиятга оид халқаро рейтинг ва индекслар бўйича кўрсаткичларнинг янгилаб борилишини таъминлайди;

(e) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг юқори даражада амалга оширилишини таъминлаш соҳасида:

(i) рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллари, рўйхатга олувчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

(ii) рўйхатга олиш дастурларини ва рўйхатга олиш варақалари шакллари ишлаб чиқади ва уларнинг ҳудудларга етказилишини таъминлайди;

(iii) рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштиради;

(iv) рўйхатга олишга жалб этиладиган ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини белгилайди ва ўқитишни ташкил этади;

(v) рўйхатга олиш натижалари миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун эълон қилинишини таъминлайди;

(vi) рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартибини белгилайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

(ж) миллий статистика тизимидаги кадрлар салоҳиятини ошириш ва статистик тадқиқотларни ривожлантириш борасида фаол сиёсатни юритиш соҳасида:

(i) Миллий статистика қўмитаси тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурини тасдиқлайди ҳамда унинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

(ii) статистика соҳасида кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш ишларини ташкил этишда республика илмий ва таълим муассасалари ҳамда халқаро статистика институтлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

(iii) вазирлик ва идоралар ходимларининг статистика соҳасидаги билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини тасдиқлайди ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

(iv) статистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнида республика илмий ва таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда назарий ва амалий яхлитликни таъминлайди;

(v) кадрлар малакасини ошириш жараёнларига видеоконференцалоқа тизими ва рақамли технологияларни қўллаган ҳолда масофавий ўқитиш тизimini самарали ташкил этади;

(vi) халқаро ташкилотлар ва хорижий етакчи статистика идоралари кўмагида статистика органларининг кадрлари салоҳиятини мустаҳкамлайди, шу жумладан, уларнинг тахлилий қобилиятларини ривожлантириш бўйича тизимли ишларни ташкил этади;

(vii) бошқарув ходимларини ишга қабул қилишда лавозимларга номзодларни очик танлов асосида қабул қилишни амалга оширади;

(viii) статистика органлари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;

(ix) статистика органлари ходимлари учун лавозим ва малака даражаларига кўтарилишда уларнинг меҳнат фаолияти, иродавий ва ахлоқий сифатлари, иқтидори ва кўникмаларини ҳолисона баҳолашга асосланган тенг имкониятлар яратади;

(x) статистика органлари ходимларида юксак касбий одоб-ахлоқни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатни шакллантириш бўйича таъсирчан чораларни кўради;

(xi) расмий статистика соҳасида амалиётга жорий этишга қаратилган илмий ва статистик тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

(xii) статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида илғор статистик усуллар ва воситалар асосида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чораларини кўради;

(xiii) халқаро тавсиялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб бориш мақсадида статистикага доир турли халқаро тадбирлар, семинар, тренинглар ва бошқа тадбирларда тизим вакилларининг иштирокини таъминлайди;

(xiv) давлат органлари ва ташкилотларининг идоравий статистикага масъул бўлинмалар ва ходимларнинг малакасини ошириб боради;

(xv) Миллий статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Миллий статистика қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Миллий статистика қўмитаси ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

(б) статистика кузатувлари шакллари, уларни тақдим этиш тартибини тасдиқлаш, статистика кузатувларини олиб бориш усулларини белгилаш ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ўзлари йиғадиган маълумотлари мазмуни, услубиёти ва рўйхатини келишиш;

(в) статистика маълумотларини тақдим этувчи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) ва бошқа респондентлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан статистика соҳасидаги бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

(г) давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан ҳамда бошқа юридик шахслардан (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналаридан) статистика кузатуви шакллари олиш ва статистика кузатуви маълумотларидан статистика мақсадларида фойдаланиш;

(д) кузатувларни, таҳлилларни ўтказиш ва расмий статистикани шакллантириш мақсадида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маъмурий маълумотлар базаларидан, жумладан, уларни ўзаро интеграциялаш орқали тўсиқларсиз фойдаланиш;

(е) жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги регистрлар ва маълумотлар базаларини яратадиган ҳамда юритадиган давлат органлари ва уларнинг тасарруфидаги ташкилотлардан статистика регистрларини шакллантириш ҳамда ўз вақтида янгилаш учун зарур бўлган ахборотларни бепул олиш;

(ж) давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларида маълумотларни электрон тарзда тўғридан-тўғри, бевосита интеграция қилиш;

(з) расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари статистика услубиётларини халқаро тавсияларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш, номувофиқлик аниқланган тақдирда ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

(и) расмий статистика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси илмий муассасалари, бошқа ташкилотлари ва хорижий ташкилотларни, шунингдек, республиканинг етакчи олимлари ва хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

(й) расмий статистикани тайёрлаш учун зарур бўлган статистика маълумотларини йиғишга жисмоний ва юридик шахсларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида жалб этиш, жисмоний шахс бўлган респондентларни статистика кузатувларида иштирок этганлиги учун моддий рағбатлантиришни мустақил равишда амалга оширишни ташкил этиш;

(к) юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартнома асосида статистик, консалтинг, таҳлилий, ахборот, ноширлик ва статистика дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатиш ҳамда экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан хорижий) жалб этиш;

(л) статистика кузатувларида иштирок этган респондентларни моддий рағбатлантириш қийматлари ва шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар тарифларини мустақил равишда белгилаш;

(м) статистика ҳисоботларини тақдим этиш билан боғлиқ қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ва қонунга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш;

(н) Миллий статистика қўмитасининг махсус жамғармасини статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга

қўлланадиган маъмурий жарималар ва бошқа тушумлар ҳисобига шакллантириш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;

(о) ҳудуднинг эҳтиёж ва шароитларини инобатга олган ҳолда Миллий статистика қўмитаси тизимига кирувчи вилоят ёки туман (шаҳар) ёхуд туманлараро (ҳудудлараро) шаклда бўлинмалар ташкил этиш, алоҳида вазифаларни амалга ошириш учун функционал бўлинмаларни шакллантириш;

(п) халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, расмий статистика масалалари бўйича, шу жумладан, халқаро семинарлар ва анжуманлар ўтказиш;

(р) зарур ҳолларда, вазирлик ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш.

16. Миллий статистика қўмитаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Миллий статистика қўмитаси:

(а) ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

(б) расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этилишини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика услубиётларининг бир хиллигини таъминлаш;

(в) мамлакатни, ҳудудларни, тармоқлар ва соҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг бажарилиши жараёнлари юзасидан статистика кузатувларини ташкил этиш;

(г) статистика маълумотларини йиғишни, уй ҳўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олишларни, бир маротабалик ҳисобга олишларни, танланма сўровларни ва бошқа статистика кузатувларини ўтказишни ташкил этиш;

(д) расмий статистика соҳасини ривожлантириш бўйича стратегиялар, дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

(е) барча даражадаги фойдаланувчиларни белгиланган тартибда расмий статистика маълумотлари билан таъминлаш;

(ж) халқаро ва минтақалараро статистик қиёслашларни амалга ошириш;

(з) статистика мақсадларида фойдаланиш учун статистика регистрлари ва таснифлаш тизимини юритиш;

(и) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг статистика соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Миллий статистика қўмитаси раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

18. Миллий статистика қўмитаси зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ унинг раҳбарлари қуйидаги функционал мажбуриятларни бажарадилар:

а) Миллий статистика қўмитаси раиси:

(i) Миллий статистика қўмитаси фаолиятига умумий раҳбарликни амал-

га оширади, юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар бўлади;

(ii) ўз ўринбосарлари ва Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотлари мансабдор шахсларининг ваколатлари ҳамда шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди;

(iii) ўз ваколати доирасида Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотларининг барча ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган қарор ва буйруқларни қабул қилади;

(iv) ўз ваколати доирасида Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг харажатлар сметасини ва белгиланган штатлар сони доирасида штатлар жадвалини тасдиқлайди;

(v) белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўз ваколати доирасида Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

(vi) статистика ишларини амалга ошириш учун ажратилган молиявий ва моддий-техник ресурсларни мустақил тақсимлайди;

(vii) Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармаларининг низомлари ва Институт уставини тасдиқлайди;

(viii) ижро интизомига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

(ix) Миллий статистика қўмитаси тизими ходимларининг тизимли равишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этади;

(x) давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

(xi) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

б) Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосарлари:

(i) расмий статистика соҳасини ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашни ташкил этишда иштирок этади;

(ii) Миллий статистика қўмитаси раисининг топшириқларига биноан расмий статистикани ривожлантиришга оид дастурий ҳужжатларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

(iii) Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига мувофиқ тегишли бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

(iv) ўзлари мутасаддилик қиладиган марказий аппарат таркибий бўлинмаларида кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ишларни тизимли асосда ташкиллаштиради;

(v) Миллий статистика қўмитаси раиси вақтинча иш фаолиятида бўлмаганида тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажаради;

(vi) давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

(vii) қонунчилик ҳужжатлари ва Миллий статистика қўмитаси раисининг қарор ва буйруқларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

в) Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари:

(i) таркибий бўлинма тўғрисидаги низомларга мувофиқ аниқ йўналишлар бўйича вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

(ii) ўзлари мувофиқлаштираётган соҳаларнинг ривожланиш ҳолатини баҳолайди ва амалга оширишнинг самарали механизмлари билан уларни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни Миллий статистика қўмитаси раҳбариятига киритади;

(iii) Миллий статистика қўмитаси ҳайъати қарорлари, Миллий статистика қўмитаси раисининг қарор, буйруқ, кўрсатмалари, унинг ўринбосарлари кўрсатма ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлайди;

(iv) давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

(v) қонунчилик ҳужжатлари ва Миллий статистика қўмитаси раисининг қарор ва буйруқларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

г) Миллий статистика қўмитаси ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотлари раҳбарлари:

(i) юклатилган вазифаларга, шунингдек, Миллий статистика қўмитаси раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ бошқармаларнинг фаолиятини ташкил этади;

(ii) Миллий статистика қўмитаси ҳайъати қарорлари, Миллий статистика қўмитаси қарор ва буйруқлари, кўрсатмалари ҳамда топшириқлари билан юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

(iii) давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

(iv) қонунчилик ҳужжатлари ва Миллий статистика қўмитаси раисининг қарор ва буйруқларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради.

6-боб. Миллий статистика қўмитаси раҳбарларининг жавобгарлиги

19. Миллий статистика қўмитаси раиси:

(а) Миллий статистика қўмитасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

(б) ушбу Низомда белгиланган Миллий статистика қўмитасининг жавобгарлик соҳалари ҳамда ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши бўйича шахсан жавоб беради.

20. Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосарлари:

(а) Миллий статистика қўмитасининг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларида Миллий статистика қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

(б) ушбу Низомда белгиланган Миллий статистика қўмитаси мутасаддилик қиладиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари ҳамда ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши бўйича шахсан жавоб беради.

7-боб. Миллий статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

1-§. Миллий статистика қўмитаси раҳбарияти

21. Миллий статистика қўмитасига Миллий статистика қўмитаси раиси раҳбарлик қилади.

22. Миллий статистика қўмитаси раиси уч нафар ўринбосарга эга.

23. Миллий статистика қўмитаси раиси иш фаолиятида вақтинча бўлмаганда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига мувофиқ раис ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

24. Миллий статистика қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, раис ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

25. Миллий статистика қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

26. Миллий статистика қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатига киритилади.

27. Миллий статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбар ва ходимлари Миллий статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

28. Худудий статистика бошқармалари бошлиқлари ва ўринбосарлари, Институт директори ва ўринбосарлари Миллий статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

29. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари Миллий статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда худудий статистика бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

30. Худудий статистика бошқармалари ва туман (шаҳар) статистика бўлимларининг ходимлари — худудий статистика бошқармалари бошлиқлари томонидан, Институт ходимлари — Институт директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

2-§. Миллий статистика қўмитаси ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари

31. Миллий статистика қўмитасида Миллий статистика қўмитаси раиси (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек, Миллий статистика қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

32. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

(а) Миллий статистика қўмитаси фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(б) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Миллий статистика қўмитаси тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

(в) Миллий статистика қўмитасининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари томонидан статистика дастурларининг бажарилиши натижадорлигини ҳар чорақда ва мунтазам кўриб чиқиш;

(г) Миллий статистика қўмитаси фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан жойларда сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

(д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун статистика органлари раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш.

33. Ҳайъат Миллий статистика қўмитаси ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

34. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

35. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

36. Ҳайъат қарорлари ҳайъат раиси томонидан имзоланади ва Миллий статистика қўмитаси раисининг буйруғи (қарори) билан амалга оширилади.

37. Ҳайъат фаолиятининг тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

38. Расмий статистиканинг ривожлантирилиши, фаолият кўрсатиши ва мувофиқлаштирилиши масалалари бўйича коллегиал маслаҳат органи ҳисобланувчи Республика статистика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати билан тасдиқланадиган низом асосида фаолият юритади.

39. Республика статистика кенгаши фаолиятининг ташкилий-техник таъминоти Миллий статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

40. Миллий статистика қўмитаси ҳузурида ўз ишини жамоатчилик асо-сида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳи-собланадиган Жамоатчилик кенгаши фаолият юритади.

41. Жамоатчилик кенгаши таркибига статистика соҳасида намунали хиз-мат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажриба ва обрў-эътиборга эга фуқаролар, шунингдек, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтлари вакиллари жалб этилади.

42. Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркиби, шунингдек, унинг ни-зоми Миллий статистика қўмитаси раисининг буйруғи билан тасдиқла-нади.

43. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобла-нади:

(а) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатларининг ҳисобга олиниши, Ўзбекистон Республикасининг қонун-чилик ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, Миллий статистика қўмитаси зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш, дав-лат хизматларини кўрсатиш бўйича Миллий статистика қўмитаси ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

(б) мамлакатда миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини инобатга олган ҳолда статис-тика дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва келишиш;

(в) Миллий статистика қўмитаси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фао-лияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(г) Миллий статистика қўмитаси фаолиятини ҳамда фойдаланувчилар-нинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлан-тириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(д) статистика маълумотларининг шаффофлиги, ошкоралиги ва қулайли-гини янада оширишни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

(е) Миллий статистика қўмитаси томонидан долзарб, сифатли ва ишонч-ли статистиканинг шакллантирилишига қўмаклашиш;

(ж) мавжуд статистика маълумотлари ҳақида жамоатчилик хабардорли-гини ҳамда уларнинг статистика маълумотларига бўлган ишончини ошириш учун фойдаланувчилар билан бевосита алоқа ўрнатиш.

44. Миллий статистика қўмитасида расмий статистика соҳасидаги таш-килий ва услубиётга оид ишларни амалга ошириш мақсадида бошқа кенгаш, маслаҳатлашув, ишчи гуруҳлар, ҳайъат ва эксперт органлари тузилиши мум-кин. Уларнинг таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Миллий статистика қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси Прези-денти ҳужжатлари билан тасдиқланадиган ҳолатлар бундан мустасно.

**8-боб. Миллий статистика қўмитаси фаолиятининг
самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари
ва иш индикаторлари**

45. Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлиги — Миллий статистика қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

**9-боб. Миллий статистика қўмитаси фаолиятини
молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

46. Миллий статистика қўмитасининг мол-мулкани асосий воситалар ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати унинг мустақил балансида акс этириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

47. Миллий статистика қўмитасини молиялаштириш ва унинг моддий-техника таъминоти статистика дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

48. Миллий статистика қўмитаси бюджет маблағлари олувчиси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига зарур молиялаштириш ҳажмини белгилашда бюджет қонунчилигига амал қилади.

49. Статистика дастурида белгиланган ва амалга оширилган статистика ишлари учун ҳақ тўлаш статистика ишларини бажаришга шартнома ва Миллий статистика қўмитаси томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган бажарилган ишлар далолатномалари асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланади.

50. Статистика дастурига киритилмаган ва уларни ишлаб чиқишга қўшимча харажатлар талаб қилинадиган қўшимча статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

51. Миллий статистика қўмитаси томонидан олинган фойда, амортизация ажратмалари, статистика ишлари учун ажратилган маблағлар, шунингдек, бошқа тушумлар унинг ихтиёрида қолади ҳамда улардан статистика органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади.

52. Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,8 бараварга оширилган миқдорда қўлланилади.

53. Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ходимларига қуйидаги миқдорда қўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициенти инобатга

олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда): 1 йилдан 3 йилгача — 0,3, 3 йилдан 5 йилгача — 0,6, 5 йилдан 10 йилгача — 0,8, 10 йилдан 15 йилгача — 1,0, 15 йилдан 20 йилгача — 1,2, 20 йилдан юқори — 1,5.

54. Қўп йиллик хизматлари учун мукофот пулини олиш ҳуқуқини берадиган иш стажы Миллий статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисобланади.

55. Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари учун ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди 15 фоиз этиб белгиланади.

56. Миллий статистика қўмитаси раиси статистика ишларини амалга ошириш учун ажратилган молиявий ва моддий-техник ресурсларни мустақил тақсимлайди.

57. Миллий статистика қўмитаси Статистика дастурини бажариш доирасида ажратилган маблағларнинг ва ўз ишлари бошқа натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

58. Миллий статистика қўмитаси ўз расмий веб-сайтида ҳар чорак якунларига кўра тегишли ҳисобот даврида республикада расмий статистикани ривожлантириш ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумотларни эълон қилиб боради.

59. Миллий статистика қўмитасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 24 февралдаги
ПҚ-75-сон қарорига
3-ИЛОВА

Республика статистика кенгаши тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Республика статистика кенгаши (кейинги ўринларда — Статистика кенгаши) расмий статистикани юритиш тизимини ривожлантириш, мувофиқлаштириш ва фаолият кўрсатишига оид масалалар бўйича коллегиял маслаҳат органидир.

2. Статистика кенгашининг таркиби давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек статистика бўйича миллий экспертлар орасидан шакллантирилади.

2-боб. Статистика кенгашининг вазифалари

3. Статистика кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

(а) расмий статистика соҳасидаги амалдаги қонунчилик ижросини таъминлаш ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда миллий статистика тизимини самарали ташкил этишга қўмаклашиш;

(б) мамлакат миллий статистика тизимида умумий тушунчалар, таърифлар ва таснифлар изчил қўллаб борилишини таъминлаш;

(в) давлат статистика органлари, статистика маълумотларини юритиш ваколатига эга бўлган давлат ташкилотлари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг расмий статистика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

(г) миллий статистика тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, инновацион ёндашув ва технологияларни жорий қилиш, статистика услубиётларини такомиллаштириш ва статистика фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар бериш;

(д) расмий статистиканинг энг муҳим тамойилларига, биринчи навбатда, статистика маълумотларининг ишончлилиги, холислиги, тушунарлилиги ва шаффофлигига риоя этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, статистик ҳисоботларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувни истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратишга қўмаклашиш;

(е) статистика маълумотлари сифатини ошириш, хусусан, миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларини ва уларни ҳисоблаш услубиётини халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ такомиллаштиришда иштирок этиш;

(ж) расмий статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларининг миллий моделини ва GSBPM халқаро стандарт моделига мувофиқ сифат-

ни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишни мувофиқлаштириш;

(з) статистик маълумотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш орқали статистика фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи рейтингини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

(и) халқаро статистика ташкилотларининг электрон маълумотлар базалари ва махсус нашрларида Ўзбекистон Республикаси тўғрисидаги статистик маълумотларни жойлаштиришга қаратилган халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини ривожлантиришга кўмаклашиш;

(й) давлат статистика органлари, шунингдек, маъмурий маълумотларни юритиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолиятининг натижаларини ҳар йили кўриб чиқиш, статистика кузатувларининг респондентларга бўлган юқини камайитириш, уларни унификация қилиш, соддалаштириш ва оптималлаштириш мақсадида статистика ҳисоботлари ва кузатув шакллари, шунингдек, услубиётлар ва таснифларнинг қайта кўриб чиқирилишини таъминлаш;

(к) мамлакатда миллий иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларини ҳисобга олишда ишончлилик ва тўлиқликни таъминлашни инobatга олган ҳолда бир йиллик Статистика дастурини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

(л) статистик тўпламлар ва бюллетенлар нашрини ташкил этиш, уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш орқали статистика маълумотларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш.

3-боб. Статистика кенгашининг функциялари

4. Статистика кенгаши асосий вазифаларидан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

(а) Ҳукумат, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига статистика сиёсатининг барча жиҳатлари бўйича маслаҳат бериш;

(б) миллий статистика тизими фаолиятининг ишончлилик, холислик, беғаразлик, тушунарлилик ва шаффофлик каби асосий тамойилларини амалга оширишда кўмаклашиш;

(в) статистик маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувни истисно қилишни таъминлаш;

(г) кўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурларини кўриб чиқиш, бир йиллик статистика дастурини тасдиқлаш ҳамда уни амалга ошириш масалаларини мониторинг қилиш ва ҳал қилишда кўмаклашиш;

(д) статистика услубиётларини такомиллаштириш ва маълумотларни шакллантиришда фойдаланувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олиш масалаларини кўриб чиқиш;

(е) статистик ва иқтисодий таҳлилнинг замонавий услубларини, халқаро стандартларга мос ва бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб берадиган кўрсаткичлар тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш;

(ж) давлат статистика органлари фаолиятига инновацион ёндашувлар ва замонавий технологияларни самарали жорий этиш;

(з) сифатни бошқаришнинг замонавий халқаро усуллари хисобга олган ҳолда расмий статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларининг миллий моделини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қўмаклашиш;

(и) Миллий статистика қўмитасига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга оширишга қўмаклашиш.

4-боб. Статистика кенгашининг ваколатлари

5. Статистика кенгаши юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, идоралар, корхоналар ва ташкилотлардан расмий статистикани такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда маълумот сўраш ва олиш;

(б) давлат идоралари вакилларининг ахборот йиғиш жараёнларини ташкил этиш масалалари, шунингдек, сўралаётган ахборотлар билан расмий статистика ва (ёки) маъмурий маълумотларда мавжуд маълумотлар ўртасида такрорланиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотларни ва ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда бошқа ташкилотлар вакилларининг ахборотларини эшитиш;

(в) Статистика кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўз йиғилишларида мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча расмий статистикани тайёрловчилар ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

(г) расмий статистиканинг айрим масалаларини кўриб чиқиш учун эксперт комиссияларини тайинлаш.

5-боб. Статистика кенгаши фаолиятини ташкил этиш

6. Статистика кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

7. Статистика кенгаши аъзолари уларнинг касбий малакаси ва статистика соҳасидаги салоҳияти келиб чиққан ҳолда тайинланади.

8. Статистика кенгашини Статистика кенгаши раиси бошқаради. Раис бўлмаган тақдирда унинг вазифасини унинг ўринбосари ёки Статистика кенгаши аъзоларидан бири раиснинг фармойишига мувофиқ амалга оширади.

9. Статистика кенгаши мажлислари унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми миқдорида кворум мавжуд бўлганда ваколатли ҳисобланади.

10. Статистика кенгашининг қарорлари мажлисда иштирок этаётган Статистика кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

11. Статистика кенгашининг қарорлари Статистика кенгаши раиси томонидан тасдиқланади. Қарорларнинг ижросини назорат қилиш Статистика кенгаши котиби томонидан амалга оширилади.

12. Статистика кенгашининг фаолияти ва унинг қарорлари оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

13. Миллий статистика қўмитасининг тегишли бўлинмаси Статистика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ФУҚАРО
АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****74 «Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини
бериш» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидала-
рини (ЎЗР АҚ-61) тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3609*

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. «Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-61) 1-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Директор

Т. НАЗАРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 7 январь,
1-Н-сон

Келишилди:

Транспорт вазири

И. МАХКАМОВ

2024 йил 18 декабрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 февралда эълон қилинган.

*Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2024 йил 27 декабрь

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2024 йил 26 декабрь

Савдо-саноат палатаси раиси

Д. ВАХАБОВ

2024 йил 13 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро
авиацияси агентлиги директорининг 2025 йил
7 январдаги 1-Н-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**«Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини
бериш» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари
(ЎЗР АҚ-61)**

Ушбу Қоидалар фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш, алмаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва тўхтатиб туриш, хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасини тан олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномаси (бундан буён матнда гувоҳнома деб юритилади) — авиация ходимига касб фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи ҳужжат;

кабина экипажи аъзоси — йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳаво кемаси эгаси (эксплуатанти) ёки командири томонидан юкла-тилган вазифаларни бажарадиган, учувчилар таркибига кирмайдиган экипаж аъзоси;

фуқаро авиацияси ташкилоти — ҳаво кемасининг эксплуатанти (авиакомпания), таълим муассасаси, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида парвозларни амалга ошириш ва таъминлаш билан шуғулланадиган ҳар қандай бошқа ташкилот;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис

— ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муҳандис-техник таркибига кирадиган авиация ходими (авиатехник, муҳандис);

ҳаводаги ҳаракатни бошқариш диспетчери (бундан буён матнда ХХБ диспетчери деб юритилади) — гувоҳнома ва малака белгисига эга бўлган, ҳаводаги ҳаракатни бошқаришни таъминловчи авиация ходими;

иккинчи учувчи — ҳаво кемаси командири вазифасидан ташқари ҳаво кемасини бошқаришда тегишли гувоҳномага эга бўлган ва ҳаво кемасини бошқариш юзасидан ўзига юкланган вазифаларни бажарадиган учувчи;

малака белгиси — авиация ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, чекловлари кўрсатилган гувоҳномадаги тегишли ёзувлар;

ҳаво кемаси — ҳаво билан ўзаро таъсир ҳисобига, ер сатҳидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсирдан ташқари, атмосферада ҳаракатланадиган учуш аппарати.

2-боб. Гувоҳноманинг мазмуни, шакллари ва сериялари

1-§. Гувоҳноманинг мазмуни ва шакллари

2. Гувоҳномалар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

I — давлат номи (оддий шрифтда);

II — гувоҳнома номи (қалин шрифтда);

III — гувоҳнома серияси ва тартиб рақами (араб рақамларда);

IV — гувоҳнома эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси;

V — гувоҳнома эгасининг манзили;

VI — гувоҳнома эгасининг фуқаролиги;

VII — гувоҳнома эгасининг шахсий имзоси;

VIII — гувоҳномани берган «Ўзавиация» агентлиги ва асос;

IX — гувоҳноманинг XII бандидаги ҳаво кемасининг маълум бир тури, класс ва хили бўйича вазифаларни бажаришга рухсатни белгилайдиган малака белгисининг амал қилиш муддати;

X — гувоҳномани берган «Ўзавиация» агентлиги мансабдор шахсининг имзоси;

XI — гувоҳнома берилган сана ва «Ўзавиация» агентлигининг муҳри;

XII — ҳаво кемасининг маълум бир тури, класс ва хили бўйича вазифаларни бажаришга рухсатни белгилайдиган малака белгиси;

диспетчерлик пунктларини кўрсатган ҳолда ХХБ диспетчерларининг аниқ функцияларини бажаришга рухсат;

муҳандислар ва авиация техникларининг аниқ функцияларини бажаришга рухсат.

XIII — лавозим вазифаларини рухсат бериш шартлари билан боғлиқ маълумотлар (инструктор иши, ускуналар бўйича парвозга, метеорологик минимумлар бўйича учуш ва қўнишни бажаришга рухсат, радиотелефон алоқасида ишлатиладиган тилни билиш даражаси ва бошқалар);

XIV — қўшимча маълумотлар (иш жойи ҳақида, эгаллаётган лавозими ва бошқалар).

Гувоҳномада ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатувчи мутахассис учун алоҳида иш турлари учун рухсат (двигателларни ишга тушириш ва синовдан ўтказиш, шатаклаш, авиадвигателларни диагностикадан ўтказиш ва бошқалар) белгиланади.

3. Гувоҳноманинг шакллари ушбу Қоидаларнинг 1-2-иловаларида* қайд этилган. Бунда, гувоҳнома биринчи навли қоғоздан ёки бошқа мос материалдан, шу жумладан пластик карточкалардан тайёрланган бўлиши ёки автоном мобил электрон қурилмалардаги ахборотни визуал акс эттирувчи электрон кўринишда бўлиши керак.

4. Гувоҳнома бериладиган авиация ходимлари, экипаж аъзолари, ҚХБ диспетчерларининг гувоҳномалари ва малака белгиларига умумий талаблар ҳамда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тоифалаш ушбу Қоидаларнинг 3 — 6-иловаларида* қайд этилган.

2-§. Гувоҳноманинг сериялари

5. Гувоҳнома қуйидаги сериялардан иборат:

учувчи гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 7-иловасига* мувофиқ «ТА» серияси;

штурман гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 8-иловасига* мувофиқ «FN» серияси;

бортмуҳандис гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 9-иловасига* мувофиқ «FE» серияси;

бортмеханик гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 10-иловасига* мувофиқ «FM» серияси;

борталоқачи гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 11-иловасига* мувофиқ «FR» серияси;

бортоператор гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 12-иловасига* мувофиқ «GO» серияси;

кабина экипажи аъзоси гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 13-иловасига* мувофиқ «FA» серияси;

ҚХБ диспетчери гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 14-иловасига* мувофиқ «ТС» серияси;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис гувоҳномаси — ушбу Қоидаларнинг 15-иловасига* мувофиқ «MS» серияси;

ҳаваскор учувчи — ушбу Қоидаларнинг 16-иловасига* мувофиқ «ТА» серияси;

аэростат учувчиси — ушбу Қоидаларнинг 17-иловасига* мувофиқ «ТА» серияси;

ўта енгил ҳаво кемаси учувчиси — ушбу Қоидаларнинг 18-иловасига* мувофиқ «ТА» серияси;

планер учувчиси гувоҳномаси ушбу Қоидаларнинг 19-иловасига* мувофиқ «ТА» серияси.

6. Парвозларни таъминлаш бўйича авиаходимларнинг гувоҳномалари сериясиз ҳамда ушбу Қоидаларнинг 20-иловасига* мувофиқ шаклда берилади.

* 1 — 20-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. «Ўзавиация» агентлиги томонидан номзодга
гувоҳнома бериш**

7. Номзодга гувоҳнома олиш учун фуқаро авиацияси ташкилоти «Ўзавиация» агентлигига мазкур Қоидаларнинг 21-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда, ушбу аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) учувчилар (тижорат авиацияси, кўп аъзоли экипаж, йўналишдаги учувчилар), штурманлар, бортмуҳандислар, бортмеханиклар, борталоқачилар, бортоператорлар, ХХБ диспетчери, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис учун:

«Ўзавиация» агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 22 — 24-иловаларига* мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

тегишли мутахассислик бўйича сертификатлаштирилган ўқув марказини ёки таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

тиббий-учиш эксперт комиссиясининг мутахассислиги бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;

ИКАОнинг тил билиш шкаласи бўйича инглиз тилини билиш даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификатнинг) нусхаси;

учувчи, штурман ва ХХБ диспетчери учун таълим ташкилотида назарий курс ва тренажёр ва учиш (амалий) тайёргарликдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

б) кабина экипажи аъзолари учун:

«Ўзавиация» агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 25-иловасига* мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

тегишли мутахассислик бўйича сертификатлаштирилган ўқув марказини ёки таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

тиббий-учиш эксперт комиссиясининг мутахассислиги бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;

в) ҳаваскор учувчилар, ўта енгил ҳаво кемаси учувчиси, аэростат учувчилари, планер учувчилар учун:

ҳаваскор учувчилар, ўта енгил учувчи аппарат учувчилари, аэростат учувчилари, планер учувчиларни тайёрлаш бўйича тўлиқ курсни тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.

8. Гувоҳнома олиш учун хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги низомга асосан амалга оширилади.

9. «Ўзавиация» агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилотининг аризаси келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ушбу Қоидаларнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (маълумотлар) ўрганиб чиқилади.

10. Фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ариза мазкур Қоидаларнинг

* 21 — 25-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

21-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилмаган бўлса ёки аризада тегишли маълумотлар ва ушбу Қоидаларнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (маълумотлар) тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, «Ўзавиация» агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилотига камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

11. Фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда мазкур Қоидаларнинг 7-бандида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда «Ўзавиация» агентлиги ушбу ариза кўриб чиқиш тугалланган кундан эътиборан бир иш куни ичида фуқаро авиацияси ташкилотига гувоҳнома олиш учун номзодни имтиҳонга чақириш (унинг бошланиш вақти ва жойи) ҳақида хабардор қилади.

12. Гувоҳнома олиш учун номзоднинг белгиланган малака талабларга мувофиқлигини, шунингдек унинг иш тажрибаси ва касбий компетенциясини аниқлаш учун «Ўзавиация» агентлиги томонидан тест ёки суҳбат синов тадбирлари ўтказилади.

13. Имтиҳон ўтказилаётган хонага номзодлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кириш ҳамда фойдаланиш, шунингдек бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Бунда, ушбу тақиқланган материалларни олиб кирган ёки фойдаланган, шунингдек имтиҳон вақтида бошқа номзодлар билан суҳбатлашган номзод имтиҳоннинг ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ҳамда далолатнома асосида имтиҳондан четлаштирилади.

14. Имтиҳон ўтказиш вақтида номзоднинг натижалари (имтиҳон натижалари) баллик тизимда баҳоланади.

15. Имтиҳон фақат тест синовлари бўйича ўтказилган тақдирда номзоднинг натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади. Бунда, тест саволлари 30 тани ва ҳар бир тўғри жавоб 3.3 баллни ташкил қилади.

16. Имтиҳон фақат суҳбат шаклида ўтказилган тақдирда номзоднинг натижалари 5 баллик тизимда баҳоланади. Бунда, «Ўзавиация» агентлиги номзодни қўйидаги мезонларга асосан баҳолайди:

берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида мустақил фойдаланишни билиши — 5 балл;

берилган саволларга аниқ, бироқ тўлиқ жавоб беролмаслиги, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида фойдаланишни билиши — 4 балл;

берилган саволларга тўлиқ жавоб беролмаслиги, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга етарли даражада эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида фойдаланишни билиши — 3 балл;

берилган саволларга ноаниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида фойдаланишни билмаслиги — 2 балл;

берилган саволларга ноаниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга етарли даражада эга эмаслиги — 1 балл;

берилган саволларга умуман жавоб бера олмаслиги — 0 балл.

17. Номзод тест синовлари натижаларига кўра камида 71 ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда «Ўзавиация» агентлиги томонидан номзод тест синовларидан муваффақиятли ўтган ва унга гувоҳнома расмийлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади.

18. Номзод суҳбат натижаларига кўра мутахассислик фанларидан беш ва бошқа фанлардан тўрт балл олган тақдирда «Ўзавиация» агентлиги томонидан номзод суҳбатдан муваффақиятли ўтган ва унга гувоҳнома расмийлаштириш ҳақида қарор қабул қилинади.

19. Имтиҳон натижалари у ўтказилган куннинг ўзида эълон қилинади ва «Ўзавиация» агентлиги томонидан тасдиқланадиган баённомада қайд этилади.

20. Имтиҳонни топшира олмаган (ундан четлаштирилган) номзодга унинг натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида қайта топшириш учун имконият берилади.

4-боб. Авиация ходимининг гувоҳномасини алмаштириш

21. Авиация ходими гувоҳномасини алмаштириш учун қуйидаги ҳолатларда фуқаро авиацияси ташкилотига ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади:

гувоҳнома йўқотиб қўйилганда ёки унга зарар етказилганда;

гувоҳномада ёзув учун жой тугаганда;

гувоҳнома эгасининг шахсий маълумотлари ўзгарганда;

авиация ходимининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатида йўл қўйилган техник хатолар аниқланганда.

22. Фуқаро авиацияси ташкилоти авиация ходимининг гувоҳномасини алмаштириш бўйича у мурожаат қилган кундан эътиборан бир иш куни ичида «Ўзавиация» агентлигига илтимоснома киритади.

Бунда, «Ўзавиация» агентлиги томонидан ушбу илтимоснома келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида авиация ходимининг гувоҳномасини алмаштириш бўйича қарор қабул қилинади ва шу куннинг ўзида янги гувоҳнома авиация ходимига топширилади.

5-боб. Хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасини тан олиш

23. Хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасини тан олиш учун фуқаро авиацияси ташкилоти «Ўзавиация» агентлигига мазкур Қоидаларнинг 21-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда, ушбу аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) учувчилар (тижорат авиацияси, кўп аъзоли экипаж, йўналишдаги учувчилар), штурманлар, бортмуҳандислар, бортмеханиклар, борталоқачи-

лар, бортоператорлар, ХХБ диспетчери, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис учун:

учувчилар ва штурманлар учун таълим ташкилотида назарий курс ва тренажёр ва учиш (амалий) тайёргарликдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

«Ўзавиация» агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 22 — 24-иловаларига мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

тиббий-учиш эксперт комиссиясининг мутахассислиги бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;

ИКАОнинг тил билиш шкаласи бўйича инглиз тилини билиш даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг (сертификатнинг) нусхаси;

б) кабина экипажи аъзолари учун:

«Ўзавиация» агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 25-иловасига мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

тиббий-учиш эксперт комиссиясининг мутахассислиги бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса;

в) ҳаваскор учувчилар, ўта енгил ҳаво кемаси учувчиси, аэростат учувчилари, планер учувчилар учун:

таълим ташкилотида назарий курс ва тренажёр ва учиш (амалий) тайёргарликдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари.

24. «Ўзавиация» агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилотининг аризаси келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ушбу Қоидаларнинг 23-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (маълумотлар) ўрганиб чиқилади.

Бунда, ўрганиб чиқиш давомида «Ўзавиация» агентлиги хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасининг ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида хорижий давлатга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

25. Фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ариза мазкур Қоидаларнинг 21-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилмаган бўлса ёки аризада тегишли маълумотлар ва ушбу Қоидаларнинг 23-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (маълумотлар) тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, «Ўзавиация» агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилотига камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

26. Фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда мазкур Қоидаларнинг 23-бандида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаганда ҳамда хорижий давлат авиация маъмуриятидан ижобий жавоб олинганда «Ўзавиация» агентлиги ушбу мурожаат кўриб чиқиш тугалланган кундан эътиборан бир иш куни ичида фуқаро авиацияси ташкилотига гувоҳномани тан олиш учун авиация ходимини имтиҳонга қақариш (унинг бошланиш вақти ва жойи) ҳақида хабардор қилади.

27. Гувоҳномани тан олиш бўйича имтиҳонни ўтказишда баҳолаш ушбу Қоидаларнинг 12 — 20-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

28. «Ўзавиация» агентлиги томонидан хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасини тан олишда унга мазкур Қоидаларнинг 26-иловасига* мувофиқ шаклда сертификат тақдим қилинади.

6-боб. Авиация ходимининг гувоҳномаси амал қилиш муддатини узайтириш ва тўхтатиб туриш

29. Авиация ходимининг гувоҳномаси амал қилиш муддатини узайтириш учун фуқаро авиацияси ташкилоти «Ўзавиация» агентлигига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Бунда, ушбу хатда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

«Ўзавиация» агентлигида тест синовларидан ўтиш ёки имтиҳон топшириш учун икки нусхада ушбу Қоидаларнинг 22 — 25-иловаларига мувофиқ шаклдаги тақдимнома;

тиббий-учиш эксперт комиссиясининг мутахассислиги бўйича ишга яроқлилик тўғрисидаги амалдаги ижобий тиббий хулоса (бундан ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар мустасно);

учувчилар таркиби мутахассислари ва кабина экипаж аъзолари учун уларнинг дастур бўйича малака ошириш ва тренажёр тайёргарликдан ўтганлиги бўйича ҳужжатлар.

30. Учувчилар таркиби, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар ва ХХБ диспетчерларининг назарий билимлари, ҳаво кемасини бошқариш техникаси, ҳаво кемасини бошқариш ва амалий қобилият билимларини текшириш «Ўзавиация» агентлиги томонидан тайинланган имтиҳон қабул қилувчилар амалга оширади.

31. Бир нечта ҳаво кемасида парвозни амалга оширувчи учувчи бошқарув ходимлар ва инструкторларнинг учиш кўникмалари «Ўзавиация» агентлиги томонидан тайинланган имтиҳон қабул қилувчилар томонидан ҳаво кемасининг ҳар бир турида текширилади.

Бунда, учувчи бошқарув ходимлар ва инструкторларнинг назарий билим даражасини текшириш барча йўналишлар бўйича энг юқори синф тоифасидаги (бир хил бўлганда биттаси танланади) ҳаво кемасида амалга оширилади. Қолган ҳаво кемаларида фақат «Ҳаво кемаларини учиш эксплуатацияси бўйича қўлланмаси» йўналиши бўйича топширилади.

32. «Ўзавиация» агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилотининг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ушбу Қоидаларнинг 29-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (маълумотлар) ўрганиб чиқилади.

33. Фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан ушбу Қоидаларнинг 29-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (маълумотлар) тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, «Ўзавиация» агентлиги томонидан фуқаро авиацияси ташкилотига камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш

* 26-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

34. Фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мазкур Қоидаларнинг 29-бандида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда «Ўзавиация» агентлиги ушбу мурожаат кўриб чиқиш тугалланган кундан эътиборан бир иш куни ичида фуқаро авиацияси ташкилотига гувоҳнома муддатини узайтириш учун авиация ходимини имтиҳонга чақириш (унинг бошланиш вақти ва жойи) ҳақида хабардор қилади.

35. Авиация ходимининг гувоҳномаси амал қилиш муддатини узайтириш бўйича имтиҳон ўтказишда баҳолаш ушбу Қоидаларнинг 12 — 20-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

36. Авиация ходимларининг гувоҳномаларига қуйидаги амал қилиш муддатлари белгиланади:

учувчилар, ҳаваскор учувчилар, аэростат учувчилари, планер учувчиларига штурманлар, бортмуҳандислар, бортмеханиклар, борталоқачилар, кабина экипаж аъзолари, бортоператор, ўта енгил ҳаво кемаси учувчиларига — 24 ой;

парвозларни таъминлаш ходимларига — 36 ой;

ХХБ диспетчерларига — 48 ой;

ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларга — 60 ой.

37. Авиация ходимларини тайёрлашга ихтисослашган ўқув марказларида авиация йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларини тамомлаган учувчи экипаж аъзолари ҳамда ХХБ диспетчерларига ўқув курслари якунида берилган баҳолар олти ой мобайнида амал қилади.

Бунда, ушбу баҳоларнинг амал қилиш муддати ўқув курсларини тугатиш санасидан бошлаб ҳисобланади ва авиация ходимларининг тақдимномасига киритилади.

38. Учувчилар таркиби ҳаво кемасининг аниқ бир тури учун экипаж кабинасини акс эттирувчи механик, электрик, электрон ва бошқа бошқарув борт тизимларининг, парвоз экипажи аъзоларининг одатий ва махсус ҳолатлардаги ҳаракатларини имитация қилувчи тренажёрда тайёргарликдан ўтиши зарур.

Бунда, ушбу тренажёрда тайёргарликдан ўтиш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган муддатда амалга оширилади.

39. ХХБ диспетчерининг гувоҳномаси амал қилиш муддатини узайтириш ва унинг классларини оширишда аэронавигация провайдери томонидан махсус тренажёр тайёргарликдан ўтиши лозим.

40. «Ўзавиация» агентлигининг масъул ходими томонидан авиация ходимининг ҳаракатлари ва тайёргарлик даражаси парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлганда унинг бевосита раҳбарларини ва «Ўзавиация» агентлигининг раҳбариятини хабардор қилган ҳолда авиация ходимининг гувоҳномаси амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

Бунда, фуқаро авиация ташкилотларига нисбатан текширув тугаллангунга қадар авиация ходими гувоҳномасининг амал қилиши тўхтатиб турилади.

7-боб. Гувоҳнома эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Гувоҳнома эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга ҳисобланади:
гувоҳномада кўрсатилган барча ҳуқуқларни амалга ошириш;
гувоҳномада ҳаво кемаси тури ҳақида белги мавжуд бўлган тақдирда парвоз пайтида учиш экипажи аъзосининг вазифасини бажариш.

42. Гувоҳнома эгаси қуйидагиларга мажбур ҳисобланади:
касбӣй билим ва кўникмалари, амалий тайёргарлик ва иш фаолиятини малакали амалга ошириш;

экипаж таркибида парвозларни бажариш жараёнида касбӣй билим ва кўникмаларини парвозлар хавфсизлигини таъминлай оладиган даражада сақлаб туриши;

соғлиғи ёмонлашганда гувоҳнома ва ундаги ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатиши.

43. Гувоҳнома эгасига қуйидаги ҳолларда ўз функционал вазифаларини бажаришга йўл қўйилмайди:

гувоҳнома ёки унинг алоҳида варақлари бўлмаганда;

гувоҳномада тузатишлар мавжуд бўлганда;

гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда;

гувоҳномада эгасининг расми бўлмаганда ёки унга зарар етказилганда;

гувоҳномада алоҳида ёки малака белгилари мавжуд бўлмаганда;

гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб қўйилганда;

учувчилар таркиби 65 ёшга тўлганда, шунингдек экипаж таркиби фақат битта учувчидан иборат бўлган ҳаво кемаларида халқаро тижорат ҳаво тушувларини бажарувчи ҳаво кемаларининг командирлари (учувчилари) 60 ёшга тўлганда.

44. Экипаж аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида гувоҳномалари ёнида бўлиши ва уларни «Ўзавиация» агентлигининг масъул ходими талабига кўра тақдим қилиши лозим.

8-боб. Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

45. Номзодларнинг (гувоҳнома эгаларининг) апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун «Ўзавиация» агентлиги раҳбарининг буйруғи билан камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Бунда, Апелляция комиссияси таркибига бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ҳам мутахассислар келишув асосида жалб этилиши мумкин.

Имтиҳонни ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

46. Имтиҳон натижаларидан норози бўлган номзодлар (гувоҳнома эгаларининг) унинг натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти бериши мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қил-

ган номзодни (гувоҳнома эгасини) шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

47. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб беш кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзод (гувоҳнома эгаси) мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

48. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Берилган овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда, Апелляция комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

49. Апелляция комиссияси имтиҳон жараёнида номзоднинг (гувоҳнома эгасининг) берган жавоблари ва бажарган амалий машғулотларини улар акс этган видеотасвирларни кўриш орқали текширувдан ўтказди. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида номзодга (гувоҳнома эгасига) уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

50. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

имтиҳон натижаларига ўзгартириш киритиш ва номзод (гувоҳнома эгаси) имтиҳонни муваффақиятли топширган деб топиш.

51. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган номзодга (гувоҳнома эгасига) ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

52. Апелляция комиссияси қарори устидан номзод юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

9-боб. Авиация ходимларининг гувоҳномаларини ҳисобга олиш ва уларнинг реестрини юритиш

53. «Ўзавиация» агентлиги томонидан авиация ходимлари гувоҳномаларининг реестри юритилади, фуқаро авиацияси ташкилотларида эса парвозларни таъминлаш ходимлари гувоҳномаларининг реестри юритилади.

Бунда, авиация ходимлари гувоҳномаларининг реестри электрон ёки анкета шаклда юритилади.

54. Авиация ходимларининг гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар ҳисобланади.

Авиация ходимларининг гувоҳнома бланklarини қабул қилиш ва топшириш далолатнома асосида амалга оширилади.

55. Гувоҳномани авиация ходимига беришда «Ўзавиация» агентлиги томонидан гувоҳномадаги маълумотлар авиация ходимлари гувоҳномаларининг реестрига киритилади.

56. Авиация ходимларининг гувоҳномаси бекор қилинган тақдирда «Ўза-

виация» агентлиги томонидан унинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги ёзув авиация ходимлари гувоҳномаларининг реестрида қайд этилади.

57. Авиация ходимиға гувоҳнома бериш, амал қилиш муддатини узайтириш ҳамда хорижий давлат томонидан берилган авиация ходими гувоҳномасини тан олишда авиация ходимиға бериладиган саволларнинг намунавий рўйхати Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари ва тавсия қилинган амалиётлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан келиб чиқиб, «Ўзавиация» агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

10-боб. Якуний қоида

58. Ушбу Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг
2025 йил 7 январдаги 1-Н-сон буйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» (ЎЗР АҚ-61) Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 19 июлдаги 110-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини таснифлаш ва гувоҳномалар бериш авиация қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-1, 2007 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 360-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 13 мартдаги 51-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини таснифлаш ва гувоҳномалар бериш авиация қоидаларига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-2, 2008 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 76-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 11 сентябрдаги 193-сон «Ўзбе-

кистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-3, 2008 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 418-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 26 майдаги 56-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-4, 2009 йил 26 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 26-сон, 308-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 24 июндаги 69-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» ўзбекистон республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-5, 2010 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 30-сон, 254-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 19 сентябрдаги 115-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-6, 2011 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 440-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 19 апрелдаги 37-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-7, 2012 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 19-сон, 212-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 12 сентябрдаги 29-н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-8, 2013 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 521-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 7 сентябрдаги 94-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларига (ЎР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи

(рўйхат рақами 1349-9, 2017 йил 10 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 10/17/1349-9/0084-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 23 мартдаги 113-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларининг (ЎЗР АҚ-61) 16-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-10, 2018 йил 27 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2018 й., 10/18/1349-10/0949-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 2 августдаги 120-Н-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-61) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1349-11, 2018 йил 5 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2018 й., 10/18/1349-11/1837-сон).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH VA ISTE'MOLCHILAR
HUQUQLARINI HIMOYA QILISH QO'MITASINING
QARORI

75 **Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2196-6*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 11-sentabrdagi 562-son "Qonunchilik hujjatlarida korrupsiyaviy omillarni bartaraf etish hamda normativ-huquqiy hujjatlarni korrupsiyaga qarshi ekspertizadan o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasining 2011-yil 10-fevraldagi 1-son qarori (ro'yxat raqami 2196, 2011-yil 18-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2011-y., 7-8-son, 73-modda) bilan tasdiqlangan Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

H. TURAXUJAYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 12-fevral,
562-son

Kelishildi:

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 28-yanvar

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 26-fevralda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar
huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2025-yil
12-fevraldagi 562-son qaroriga
ILOVA

**Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama
to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi
yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi
yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 5-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5. Iste'molchilarning huquqlarining kamsitilishi bo'yicha ariza va shikoyatlarni o'rganish mobaynida, xo'jalik yurituvchi subyektlarda tekshirishlar o'tkazish zarur bo'lgan hollarda (moliyaviy-xo'jalik faoliyatiga aralashmagan holda), tekshirish o'tkazish uchun O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil xabardor etiladi.”.

2. 7-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “Nazorat qiluvchi organlar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi respublika kengashi yoki uning hududiy komissiyasidan ruxsat olish” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakilni xabardor etish” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi “vositalarida” degan so'z “vositalari, veb-saytlar, ijtimoiy tarmoqlar va mobil messengerlarda” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGINING
QARORI

76 “Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik
litseyga o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini
o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni
o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3346-1*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 5-iyundagi 320-son “O'quvchilarni akademik litseylarga qabul qilish, ularning o'qishini ko'chirish, qayta tiklash va o'qishdan chetlatish tartibini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2022-yil 27-yanvardagi 1 va 01/QQ-son “Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro'yxat raqami 3346, 2022-yil 27-yanvar) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 27.01.2022-y., 10/22/3346/0076-son) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Adliya vaziri

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2025-yil 26-fevral,
1-son

Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 25-fevral,
5-q/q-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 1-martda e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

77

**Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3610*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 февраль,
15-сон

Келишилди:

**Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил**

Д. КАСИМОВ

2025 йил 18 февраль

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 10 февраль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 1 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 19 февралдаги
15-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш тартибини, шунингдек қимматли қоғозларни чиқариш ва (ёки) жойлаштиришда эмитент ва андеррайтер ўртасидаги муносабатларнинг асосларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

эмитент — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

андеррайтер — андеррайтинг фаолиятини амалга оширувчи инвестиция воситачиси ёки тижорат банки;

андеррайтинг фаолияти (андеррайтинг) — эмитент ва андеррайтер (андеррайтерлар) ўртасидаги шартномада белгиланган шартлар асосида эмитентнинг қимматли қоғозларини чиқарилишини ташкиллаштириш ва/ёки кафолатли жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолияти;

андеррайтинг хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома — бир томондан, маълум бир нархда жойлаштирилиши керак бўлган қимматли қоғозларни чиқараётган эмитент ва бошқа томондан андеррайтер (андеррайтерлар) ўртасидаги шартнома;

қимматли қоғозлар — ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутати;

инвестиция меморандуми — эмитент ҳақида барча зарур маълумотларни ўз ичига олган ҳамда қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи тўғрисидаги ахборотларни ва битим тафсилотларини кўрсатмайдиган инвесторларга тақдим этиш учун олдиндан тайёрланган ҳужжатлар тўплами;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

2-боб. Андеррайтинг фаолияти ва уни ташкил этиш тартиби

2. Андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш учун:
инвестиция воситачилари қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш

бўйича ваколатли давлат органи томонидан инвестиция воситачиси сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга;

тижорат банклари эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши лозим.

Капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3493, 2024 йил 29 январь) ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ капитал бозори соҳасида «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режими иштирокчилари бўлган инвестиция воситачилари андеррайтинг фаолиятини амалга ошириши мумкин.

3. Андеррайтинг фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

эмитент билан биргаликда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришнинг мақбул тузилмасини шакллантириш;

қимматли қоғозларни чиқаришнинг кутилаётган ҳажмидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқига олдиндан обуна ўтказиш;

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шу жумладан потенциал инвесторлар томонидан чиқарилиши кутилаётган қимматли қоғозлар ҳажмидан уларни сотиб олиш ҳуқуқига амалга оширилган дастлабки обуналардан келиб чиқиб бозор конъюнктураси ва имкониятларини ўрганиш;

қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни тузиш;

заруратга кўра, андеррайтерларнинг вақтинчалик бирлашмасини шакллантириш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун инвестиция воситачилари ва тижорат банкларини танлаш;

андеррайтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган, қабул қилинган мажбуриятлар ва муддатларга мувофиқ эмитентнинг қимматли қоғозларининг кафолатли жойлаштирилишини ўтказиш (қимматли қоғозларнинг чиқарилишларини муайян минимал нархда жойлаштириш);

андеррайтинг хизматларини кўрсатганлик учун андеррайтерларнинг вақтинчалик бирлашмаси аъзолари (иштирокчилари) ўртасида (агар мавжуд бўлса) сотиб олиш ва сотиш фарқидан олинган даромад ёки хизмат ҳақини (мукофотини) тақсимлаш;

эмитентга қимматли қоғозларни жойлаштиришдан тушган маблағларни тўлаш;

инвестиция меморандумини тузиш ва инвесторларга тақдим этиш.

4. Андеррайтер томонидан қимматли қоғозларни кафолатли жойлаштириш турлари қуйидагилардан иборат:

тўлиқ кафолатли жойлаштириш — чиқарилган барча қимматли қоғозларни жойлаштирилиши;

қисман кафолатли жойлаштириш — чиқарилган қимматли қоғозларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмининг жойлаштирилиши.

5. Андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш жараёнида андеррайтер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қимматли қоғозларни тўлиқ ёки қисман кафолатли дастлабки жойлаштиришга шартнома тузишда эмитентдан қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан чегирма тақдим этишни шартнома билан белгиланадиган миқдорда талаб қилиш;

қимматли қоғозларни жойлаштириш шартларини бажармаган тақдирда эмитент олдида жавобгарлик таваккалчилигини суғурта қилиш;

эмитент акциядорларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриш;

қимматли қоғозларни жойлаштиришда шартномада белгиланган миқдорда эмитентдан хизмат ҳақи олиш.

6. Эмитент андеррайтерга инвестиция меморандумини тузиш ва инвесторларга бериш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши шарт.

Инвестиция меморандумида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

таъсис ҳужжатларига мувофиқ эмитент томонидан қўйилган мақсадларга эришиш учун эмитентнинг келгуси йил учун стратегияси;

эмитентнинг бошқарув тизимини тавсифлаш (касбий тайёргарлик, бошқарув ходимларининг иш тажрибаси, сўнгги уч йил ичида иш жойлари ва эгаллаб турган лавозимларни кўрсатган ҳолда);

бозордаги рақобат муҳитини ва эмитентнинг улушини таҳлил қилиш, шунингдек эмитент ва тармоқ фаолиятининг тавсифи;

эмитентнинг охириги уч молия йилидаги молиявий натижаларининг (чораклар бўйича) таҳлили, даромадларнинг пасайиши ёки ошиши сабаблари, молиявий қўйилмалар олинганидан (эмиссияни амалга оширишдан) кейинги молиявий натижалар прогнози;

эмитентнинг молиявий камомадини (даромадини) вақтинчалик оралиқ муддатда аниқлаш;

қимматли қоғозлар чиқарилишидан (эмиссиясидан) олинган маблағларни сарфлаш сметаси харажатлари.

Эмитент ва андеррайтерлар ҳар бир потенциал харидорга жойлаштирилган қимматли қоғозларни сотиб олиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиш имкониятини беришлари шарт.

Эмитент ва андеррайтерлар эмиссия рисоласида эълон қилинган ахборотнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда биргаликда жавобгар бўладилар.

7. Эмитент томонидан андеррайтерни танлаш:

номзодлар билан андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш учун дастлабки музокаралар асосида;

андеррайтинг бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун оммавий (ёхуд ёпиқ) танлов (тендер) ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

3-боб. Андеррайтерларнинг вақтинчалик бирлашмаси

8. Қимматли қоғозларни жойлаштиришда эҳтимолий зарар кўриш таваккалчилигини тақсимлаш мақсадида биргаликда фаолият юритиш учун андеррайтерларнинг вақтинчалик бирлашмаси (бундан буён матнда бирлашма деб юритилади) ташкил этилиши мумкин.

9. Бирлашмани ташкил этиш ташаббускори эмитент томонидан танланган андеррайтер ҳисобланади. Андеррайтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома эмитент билан бирлашма ўртасида қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низомнинг 15-бандига мувофиқ тузилади.

10. Бирлашма аъзоларининг (иштирокчиларининг) ўзаро муносабатлари ўзаро ҳамкорлик шартномаси билан тартибга солинади.

11. Ўзаро ҳамкорлик шартномасида:

бирлашма аъзоларининг (иштирокчиларининг) рўйхати, уларнинг бирлашмадаги ҳиссаси миқдори;

қарор қабул қилиш тартиби;

бирлашма аъзоларининг (иштирокчиларининг) ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

қонунчиликка мувофиқ бошқа шартлар келишилган бўлиши керак.

12. Эмитент томонидан танланган андеррайтер эмитентдан қўшимча ҳақ олмаган ҳолда бирлашма ички ишларини юритиш ва уларни ташкиллаштиришни амалга оширади.

Бирлашма томонидан амалга оширилган жойлаштириш бўйича харажатлар бирлашма аъзоларининг (иштирокчиларининг) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Андеррайтинг хизматларини кўрсатганлик учун хизмат ҳақи (мукофот) эмитент ва бирлашма ўртасида шартномада белгиланган миқдорда тўланади ва қимматли қоғозларни кафолатли жойлаштириш бўйича қабул қилинган мажбуриятларга мутаносиб равишда бирлашма аъзолари (иштирокчилари) ўртасида эмитент томонидан танланган андеррайтер томонидан тақсимланади.

13. Қимматли қоғозларни жойлаштириш тугалланганидан сўнг бирлашма ўз фаолиятини тугатади.

4-боб. Андеррайтинг хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома

14. Эмитент ва андеррайтер ўртасидаги қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасида тузилган андеррайтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома билан белгиланади.

15. Андеррайтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома андеррайтер томонидан қонунчиликка мувофиқ тайёрланади ва қуйидаги мажбурий (муҳим) шартларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари ва андеррайтинг хизматининг хусусияти;

эмитент ва андеррайтер (бирлашма) ўртасида қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида ўзаро муносабатларнинг шартлари ва тартиби;

эмитент билан андеррайтер (бирлашма) ўртасида қимматли қоғозларни жойлаштиришдан кейинги ўзаро муносабатларнинг шартлари ва тартиби (иккиламчи бозорда жойлаштирилган қимматли қоғозларни андеррайтер (бирлашма) томонидан қўллаб-қувватлаш);

андеррайтинг хизматлари учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби;
қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

5-боб. Андеррайтер фаолиятини назорат қилиш

16. Андеррайтерлар фаолиятини назорат қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

17. Қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида андеррайтер томонидан қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

инвесторлар учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни лозим даражада ошкор қилмасдан туриб андеррайтинг хизматларини амалга ошириш;

қимматли қоғозлар бозорининг алоҳида бир иштирокчиларига ёки инвесторларга бошқаларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқларни тақдим этиш, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

эмитент билан тузилган шартноманинг шартларини бажармаслик, лозим даражада бажармаслик ва (ёки) ўз вақтида бажармаслик;

эмитентга, бирлашма бўйича ҳамкорларига ёки инвесторларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар.

18. Андеррайтер эмитентнинг қимматли қоғозларини жойлаштиришда акциядорлик жамиятининг фойдасини ва қимматли қоғозларнинг ликвидлигини янада ошишини ҳисобга олиши керак.

19. Андеррайтер мазкур Низом талабларини бажармаганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2025 йил 19 февралдаги
15-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 21 декабрда тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 860, 1999 йил 28 декабрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 3 июндаги 2004-10-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 860-1, 2004 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 24-сон, 281-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-19-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 860-2, 2008 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 42-сон, 427-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2013 йил 11 декабрдаги 2013-14-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 860-3, 2013 йил 19 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 680-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-19-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 860-4, 2019 йил 9 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.04.2019 й., 10/19/860-4/2908-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-59-сон «Қимматли

қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 2.1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 10/19/860-5/3982-сон).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BOSH PROKURATURASI HUZURIDAGI
IQTISODIY JINOYATLARGA QARSHI KURASHISH
DEPARTAMENTINING
QARORI

78 Nobank kredit tashkilotlarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2925-9*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi va O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi va O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining 2017-yil 9-avgustdagi 344-B va 26-son qarori (ro'yxat raqami 2925, 2017-yil 4-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 36-son, 968-modda) bilan tasdiqlangan Nobank kredit tashkilotlarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga ilovaga muvofiq qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Markaziy bank raisi

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 28-yanvar,
344-B-9-son

**Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish
departamenti boshlig'i****Sh. SOXIBNAZAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 20-yanvar,
3-son

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
28-yanvardagi 344-B-9-son va Bosh
prokuratura huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga
qarshi kurashish departamentining 2025-yil
20-yanvardagi 3-son qaroriga
ILOVA

**Nobank kredit tashkilotlarida jinoiy faoliyatdan olingan
daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va
ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi
kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga kiritilayotgan
qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. 2-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“nominant — jismoniy (jismoniy shaxslar guruhi) yoki yuridik shaxs tomonidan uning nomidan tashkilotga nisbatan muayyan maqomda ish yuritish uchun tayinlangan jismoniy yoki yuridik shaxs;

nominator — nominantga bevosita yoki bilvosita o'z nomidan direktor yoki aksiyador sifatida harakat qilish to'g'risida ko'rsatma beradigan jismoniy (jismoniy shaxslar guruhi) yoki yuridik shaxs;

aniqlik darajasi — nobank kredit tashkilotlarining avtomatlashtirilgan axborot tizimlarida operatsiya ishtirokchilaridan birining identifikatsiya ma'lumotlari Ro'yxatdagi shaxslarning identifikatsiya ma'lumotlari bilan solishtirish jarayonida mos kelish darajasini ifodalovchi ko'rsatkich;

o'xshash holatlar — operatsiya ishtirokchilarining identifikatsiya ma'lumotlari Ro'yxatdagi shaxslarning identifikatsiya ma'lumotlari bilan qisman mos kelishi.”

2. 6-bandning yettinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ro'yxatga kiritilgan shaxslarning operatsiyasini aniqlash hamda ushbu operatsiyalarni kechiktirmasdan va oldindan xabar qilmasdan to'xtatib turish (yuridik yoki jismoniy shaxsning hisobvarag'iga tushgan pul mablag'larini hisobga kiritish bo'yicha operatsiyalar bundan mustasno) va (yoki) pul mablag'larini yoki boshqa mol-mulkini ishga solmay to'xtatib qo'yish hamda to'xtatib turilgan operatsiyalarni yoxud ishga solmay to'xtatib qo'yilgan pul mablag'lari yoki boshqa mol-mulklarni doimiy nazorat va monitoring qilish tartibi;”

3. Quyidagi mazmundagi 23¹-band bilan to'ldirilsin:

“23¹. Nobank kredit tashkilotlari axborot tizimlaridagi aniqlik darajasini har

bir xizmat yoki operatsiya toifasining tavakkalchilik darajasidan kelib chiqqan holda belgilashi kerak.

Aniqlik darajasi operatsiya ishtirokchilari identifikatsiya ma'lumotlarining har bir elementi bo'yicha alohida belgilanishi lozim.”.

4. Quyidagi mazmundagi 27¹-band bilan to'ldirilsin:

“27¹. Nobank kredit tashkilotlari yuridik shaxslarni lozim darajada tekshirish jarayonida mijozning direktori yoki ta'sischilari (aksiyadorlari, ishtirokchilari) nominant ekanligi aniqlagan taqdirda, bu haqida va nominator to'g'risida maxsus vakolatli davlat organiga xabar berishi lozim.”.

5. Quyidagi mazmundagi 52¹-band bilan to'ldirilsin:

“52¹. Mijoz Ro'yxatga kiritilgan shaxsligi aniqlanganda, nobank kredit tashkiloti tomonidan amalga oshirilishi lozim bo'lgan tartib quyidagi talablarni o'z ichiga olishi lozim:

o'xshash holatlarni saralash va yakuniy qaror qabul qilish bo'yicha tartib-taomillarni;

operatsiya ishtirokchilarining barcha mavjud ma'lumotlari Ro'yxatdagi shaxslarning ma'lumotlari bilan avtomatik solishtirish jarayonini.”.

6. 1-ilovaning 7-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Telefon raqami (agar mavjud bo'lsa).”.

7. 3-ilovaning 7-bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Elektron ko'rinishdagi mijoz so'rovnomasini to'ldirgan xodimning familiyasi, ismi, otasining ismi va lavozimi.”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING
BUYRUG'I**79** **Temir yo'l kesishmalaridan foydalanish qoidalariga
o'zgartirishlar kiritish to'g'risida**

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
28-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3363-2*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 30-noyabrdagi 806-son "Yo'l harakati sohasidagi qonunchilik takomillashtirilishi munosabati bilan Yo'l harakati qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2022-yil 10-martdagi 4-son buyrug'i bilan tasdiqlangan Temir yo'l kesishmalaridan foydalanish qoidalariga (ro'yxat raqami 3363, 2022-yil 19-aprel) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 19.04.2022-y., 10/22/3363/0322-son) muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir**I. MAXKAMOV**

Toshkent sh.,
2025-yil 19-fevral,
2-son

Kelishildi:

Ichki ishlar vaziri**P. BOBOJONOV**

2025-yil 15-fevral

O'zbekiston Respublikasi
transport vazirining 2025-yil 19-fevraldagi
2-son buyrug'iga
ILOVA

Temir yo'l kesishmalaridan foydalanish qoidalariga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 1-bandda:

uchinchi xatboshidagi “asosiy yo'llar” degan so'zlar “asosiy temir yo'llari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi va beshinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“yo'l-transport hodisasi — transport vositasining yo'lda harakatlanish jarayonida va uning ishtirokida sodir bo'lgan, fuqarolar vafot etgan yoki ularning sog'lig'iga zarar yetkazilgan, transport vositalari, inshootlar, yuklar shikastlangan yoxud boshqa moddiy zarar yetkazilgan hodisa;

yo'l harakati ishtirokchisi — yo'l harakati jarayonida transport vositasining haydovchisi, yo'lovchisi yoki piyoda sifatida bevosita ishtirok etayotgan shaxs”;
yettinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“qatnov qismi — yo'ning relssiz transport vositalari harakatlanishi uchun mo'ljallangan qismi;”;

to'qqizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“piyoda — transport vositasidan tashqarida bo'lgan va yo'lda biror-bir yumush bilan band bo'lmagan shaxs. Nogironligi bo'lgan shaxslarning dvigatelsiz aravachasida harakatlanayotgan, velosiped, moped, mototsikl, elektromototsikl, skuter, individual harakatlanish vositalari, chana, aravacha va bolalar yoki nogironligi bo'lgan shaxslar aravachasini yetaklagan, shuningdek, harakatlanish uchun rolikli konkilar, dvigatelsiz samokatlar va boshqa shularga o'xshash vositalardan foydalanayotgan shaxslar ham piyodalarga tenglashtiriladi;”;

o'n to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“transport vositasi — yo'lovchilarning, bagajning, yuk bagajining, yuklarning, pochta va kuryerlik jo'natmalarining yoki maxsus ishlarni amalga oshirish uchun uskunalarning yo'llarda harakatlanishi yoki tashilishi uchun mo'ljallangan qurilma;”;

o'n sakkizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“haydovchi — transport vositasini boshqaruvchi shaxs. Transport vositasini boshqarish o'rgatilayotganda o'rgatuvchi shaxs haydovchi hisoblanadi. Ot aravani boshqarayotgan hamda hayvonlarni minib harakatlanayotgan shaxslar haydovchiga tenglashtiriladi;”.

2. 2-bandning “a” kichik bandi birinchi va ikkinchi xatboshilari, “v” kichik bandining birinchi xatboshisi hamda 10-banddagi “qatnashchilari” va “qatnashchilarining” degan so'zlar tegishli ravishda “ishtirokchilari” va “ishtirokchilarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 21-bandning “g” kichik bandidagi “asosiy yo'llar” degan so'zlar “asosiy temir yo'llari” degan so'zlari bilan almashtirilsin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг 2025 йил 7 январдаги 1-Н-сон “Фуқаро авиациясининг авиация ходими гувоҳномасини бериш” Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини (ЎЗР АҚ-61) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3609.

2. O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2025-yil 12-fevraldagi 562-son “Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 24-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2196-6.

3. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining 2025-yil 26-fevraldagi 1-son hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 25-fevraldagi 5-q/q-son “Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida”gi qarori.

2025-yil 28-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3346-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 19 февралдаги 15-сон “Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3610.

5. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 28-yanvardagi 344-B-9-son va O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining 2025-yil 20-yanvardagi 3-son “Nobank kredit tashkilotlarida jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha ichki nazorat qoidalariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 28-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2925-9.

6. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2025-yil 19-fevraldagi

2-сон “Temir yo‘l kesishmalaridan foydalanish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 28-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3363-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 26 мартдаги 49-сон буйруғи “Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳномаларини бериш ва авиация ходимларининг турлари” (ЎзР АҚ-61) Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1349, 2004 йил 7 май), унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1349-1, 2007 йил 28 август), (рўйхат рақами 1349-2, 2008 йил 18 март), (рўйхат рақами 1349-3, 2008 йил 10 октябрь), (рўйхат рақами 1349-4, 2009 йил 26 июнь), (рўйхат рақами 1349-5, 2010 йил 26 июль), (рўйхат рақами 1349-6, 2011 йил 4 октябрь), (рўйхат рақами 1349-7, 2012 йил 10 май), (рўйхат рақами 1349-8, 2013 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1349-9, 2017 йил 10 октябрь), (рўйхат рақами 1349-10, 2018 йил 27 март), (рўйхат рақами 1349-11, 2018 йил 5 сентябрь).

2025 йил 25 мартдан бошлаб давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2022 йил 27 январдаги 1 ва 01/ҚҚ-сон “Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейга ўқишга қабул қилиш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3346, 2022 йил 27 январь).

2025 йил 28 февралда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 21 декабрда тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 860, 1999 йил 28 декабрь), унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 860-1, 2004 йил 14 июнь), (рўйхат рақами 860-2, 2008 йил 13 октябрь), (рўйхат рақами 860-3, 2013 йил 19 декабрь), (рўйхат рақами 860-4, 2019 йил 9 апрель).

2025 йил 28 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.